

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ
ҲУҚУҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

фанидан

бакалавриятнинг ноюрidik
таълим йўналиши талабалари учун

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-МАВЗУ: ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А :

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани предмети ва вазифалари.

- 1.1. Давлат моҳиятига боғлиқ назариялар.
- 1.2. Давлатнинг асосий белгилари, давлат функциялари тушунчаси.
- 1.3. Давлат шакли тушунчаси.

2. Жамият тушунчаси.

- 2.1. Фуқаролик жамияти таърифи.
- 2.2. Фуқаролик жамияти белгилари.
- 2.3. Ҳуқуқий давлат таърифи ва белгилари.
- 2.4. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш асослари.

3. Ҳуқуқ таърифи.

- 3.1. Ҳуқуқнинг асосий белгилари.
- 3.2. Ҳуқуқ келиб чиқишига доир назариялар.
- 3.3. Ҳуқуқ функциялари.
- 3.4. Ўзбекистон ҳуқуқ тизими.
- 3.5. Ҳуқуқ манбалари тушунчаси ва турлари.
- 3.6. Ҳуқуқий муносабатлар таърифи.
- 3.7. Ҳуқуқбузарлик таърифи ва белгилари.

Жамиятнинг ҳар бир комил аъзоси ўзи туғилган заминнинг, ўз мамлакатининг хусусиятларини, дунё давлатлари ўртасидаги мавқеини англашга ҳаракат қилади. Бинобарин давлат ва ҳуқуқ масаласи доимо ижтимоий онгнинг диққат марказида туради ва ҳар қандай ижтимоий ходисани тадқиқ этиш маълум илмий йуналиш, бирон-бир фан томонидан амалага оширилади. Давлат ва ҳуқуқ ходисалари – **«давлат ва ҳуқуқ назарияси»** фани ёрдамида ўрганилади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси предмети деганда ижтимоий ҳаётнинг муҳим қисми ҳисобланган давлат ва ҳуқуқ, уларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий қонуниятлари, уларнинг моҳияти, ижтимоий вазифаси, функциялари, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий онг намоён бўлиши ва ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари ташкил этади.

Дунёда давлатнинг пайдо бўлишидаги иккинчи хил ёндашув бу цивилизацион ёндашув ҳисобланади. Ушбу ёндашув вакиллари формацион ёндашувни тан олмайдилар, балки рад этади. Уларнинг фикрича дунёдаги давлатларнинг пайдо бўлиши турли хил мамлакатларда турлича тарзда юзага келган.

Давлатни пайдо бўлишида қўйидаги назариялар бор.

1. Теологик (диний) назария-макур назария вакилларининг такидлашича давлат худо томонидан яратилганини ўқтирадилар, бутун

хокимят худоники деган коидани илгари сурадилар. Давлатни бошқараётган шахс худонинг ердаги вакили хисобланади дейилган. *Масалан: Хитой*

2. Патриархар назария – маскур назария вакилларининг тарафдорларининг таъкидлашича давлат – оиланинг тараққий этиши натижасида пайдо бўлган. Уларни таъбири бўйича даст аввал оилада пайдо бўлган, сўнгра оила ўсиб уруғга, уруғ қабилага, қабила эса- давлатга айланган дейлади. Манарх хокимати эса гўё оиланинг барча аъзоларига рахбарлик қиладиган отадан мерос бўлиб ўтган деб хисоблайдилар. Ушбу назария Юнонистонда (қадимги Грецияда) пайдо бўлган ва Аристотель асарларида асослаб берган, 17-асрда инглиз олими Филмернинг “Патриарх” асарида ривожлантирилган. Муаллиф инжилга асосланиб, одам атонинг хокимати худодан олиб ўзининг катта ўғли Патриархга, у эса ўзининг авлодлари бўлган қиролларга берганлигини исботлашга ҳаракат қилган *Масалан: Саудия Арабистони, БАА.*

3. Шартнома назарияси- Маскур назария 17-18 асрларда вужудга келган бўлиб, ушбу назария вакиллар таъкидлашича, хокимят-халқ томонидан, халқнинг монарх билан битишуви натижасида ўрнатилади дейилган. Галландияда ушбу назарияни Гуго Гроций ва Спиноза, Англияда- Локк ва Гоббс Францияда-Жан Жак Руссо, Россияда- А. Н. Радищев ривожлантирган Ж. Руссо ушбу назария бўйича “Ижтимоий шартнома” номли китоб ёзган бўлиб, маскур китобда у “Агар монарх хокиматыни суистеъмол қилса халқ қўзғалон кўтаришига ва монархни тахтдан ағдаришга ҳақли бўлган” дейди.

4. Зўрлик назарияси- маскур назария вакиллари фикрига кўра (Гумплович Каутский) га кўра давлатнинг келиб чиқишида зўрлик ҳаракати, бир халқнинг бошқа халқни босиб олишига етади. Давлат ғолибнинг хокиматыни мустахкамлаш учун тузилади. *Масалан: Германия.*

5. Психологик назария- бу назария тарафдори социолог Габриэль Тарр дир. Бу назария давлатни келиб чиқишини кишиларнинг ҳукмронликга ва бўй синишга эҳтиёши билан изохлайди. Рус олими Коркунов профессор Потражеский ҳам давлат инсоннинг бўй синишига интилиши орқасида пайдо бўлади, деб хисоблайдилар. Психологик назария халқни алоҳида хусусиятларга эга бўлган кишиларга бўъсинишни истовчи пассив омма деб атайди.

6. Иригация назариясига – давлатларни келиб чиқиши уларнинг илк шакллари шарқда улкан иригация иншоатларини куриш ва улардан истедбоди фойдаланиш билан боғлиқ. Ушбу назария немис олими Виттифогелнинг “Шарқ истедбоди” асарида ифодаланиб берилган *Масалан: Ўзбекистон*

7. Синфий назария – Буназарияни вакиллари К.Маркс, Ф.Энгелс ва В.Ленинлар хисобланади. Уларнинг фикрича, давлат иқтисодий сабаблар, ижтимоий меҳнат тақсимооти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкни вужудга келиши, жамиятнинг қарама-қарша иқтисодий манфаатларига эга синфларга ажратилиши туфайли вужудга келган дейилади. *Масалан:Дунёдаги барча давлатлар.*

Давлатнинг белгилари асосий ва қўшимча турларга бўлинади:

I. Асосий белгилари:

1. Аҳолининг муайян бир ҳудудга уюшганлиги.
2. Оммавий ҳокимиятнинг мавжудлиги.
3. Ҳудуднинг мавжудлиги.
4. Солиқнинг мавжудлиги.
5. Давлат суверенитети.

II. Қўшимча белгилари

1. Суверенитетнинг мавжудлиги.
2. Давлат рамзларига эгалиги.
3. Миллий вальюта.
4. Пойтахт.
5. Конституциянинг мавжудлиги.

Давлатнинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. **Функциялар** - деганда жамиятни бошқаришнинг предмети - сиёсий фаолият ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши таъсир кўрсатиш механизми тушунилади.

Давлатнинг функцияси - бу давлатнинг ҳамда у амалга оширадиган ўз фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб, унинг моҳияти ва вазифаларидан келиб чиқади.

1. Функцияларнинг қўлланилиши муддатга кўра: *доимий ва вақтинча функциялар*

2. Ижтимоий аҳамиятига кўра: *асосий ва қўшимча функциялар*

3. Ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасида қўлланилиши бўйича: *ички ва ташқи функциялар*

4. Амалга ошишнинг ҳуқуқий шаклларига кўра : *Ҳуқуқ ижодкорлик шакли, ҳуқуқни қўллаш шакли, ҳуқуқни муҳофаза қилиш шакли.*

Давлат шакли ҳақида юритадиган бўлсак.

Давлат шакли деганда, уч таркибий қисми (ёки томони) – бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий идора усули бирликда олинган сиёсий ҳокимият ташкилоти тушунилади.

-бошқарув шакли, яъни давлат ҳокимияти ва бошқарувни тузиш ва ташкил этишнинг муайян тартиби;

-давлат тузилиши шакли, яъни давлатнинг ҳудудий тузилиши, марказий, минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатларни муайян тартиби;

-сиёсий (давлат) идора усули, яъни сиёсий (давлат) ҳокимиятни амалга ошириш усул ва услублардир.

Жамият-муайян эҳтиёж ва манфаатларга кура бирлашган кишиларнинг жамоасидир. жамият хилма-хил гуруҳлар, синфи, ташкилотлар, муассасалар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар,

уюшмалар, жамоат бирлашмалари каби элементлари, яъни таркибий тузилишдан иборат.

Фуқаролик жамияти – реал ижтимоий-иқтисодий базис бўлиб, унинг негизида ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисмлари вужудга келади, мустаҳкамланади, ўзининг яшаш қобилятини намоён қилади ва мукаммаллашади. Шунингдек у, уларга зарур шарт-шароитлар ва замин яратиб берувчи ўзига хос «яшаш муҳити» бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий давлат барпо этишдаги ютуқлар, мазкур жараённинг кўлами ва суръати, ундаги ижобий ва салбий натижаларнинг ўзаро нисбати нофуқаролик жамиятининг фуқаролик жамиятига айлантирилишига тўғри пропорционал ҳисобланади. Ўз навбатида, ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши ва ривожланиши жамиятнинг мустаҳкамланиши ва такомиллашишига ёрдам беради. Бинобарин, ноҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий давлатга айланишининг жараёни қанчалик кенг ва тўла амалга ошса, фуқаролик жамиятини ушлаб турадиган ва унга хизмат қиладиган ҳуқуқий таянч ва қурилмалар шунчалик ишончли ва салмоқли бўла бошлайди.

Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти орасида ўзаро шартланганлик ва алоқадорлик кўринишида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, уларнинг бири иккинчисисиз яшай олмайди, уларнинг амал қилиш натижалари ўзаро узвий боғлиқ ва бевосита таъсир этади.

Ҳуқуқ- бу ижтимоий тузумнинг моҳиятидан келиб чиқадиган ва давлат томонидан мустаҳкамланадиган, ижро этилиши барча учун мажбурий бўлган нормалар, хулқ-атвор қоидалари мажмуасидир.

Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳақида олимлар турли хил назарияларни олдинга суради:

1. Табиий ҳуқуқ назарияси – ушбу назария ҳуқуқ назаричларининг энг қадимий тури ҳисобланади. Ушбу назария вакиллари ҳуқуқнинг ўзида адолатнинг мутлақ, ўзгармас ибтидосини мужассам этганлигидан келиб чиқадилар. Ҳуқуқ табиатан мавжуд, уни ҳеч ким ўйлаб топмаган, у худди инсон каби табиийдир.

2. Ҳуқуқнинг тарихий назарияси – ушбу назария вакиллари ҳуқуқни табиатан мавжудлигини инкор этишади, яъни ҳуқуқ ҳеч қанақа табиатан пайдо бўлмаган балки, ҳуқуқ тарихан пайдо бўлган ва ривожланган, деб ҳисоблайди. Ерга экинлар уруғ каби, у халқнинг онгида ўсиб боради ва адолат, қонунлар шаклида намоён бўлади дейди.

3. Ҳуқуқнинг психологик назарияси – ушбу назария вакилларинг таъкидлашичам ҳуқуқнинг психологияси билан изоҳлайди. Ҳуқуқ психологик йўналишлар, турли кечинмалар, ҳиссиётлар ва инстинктларнинг маҳсули дейди.

4. Диний назария – Ушбу назария 17-18 асрларда вужудга келган бўлиб асосий вакили Фома Аквинский ҳисобланади. Унинг даврдан амалдаги ҳуқуқнинг асосини илохий қонунлар ва табиий ҳуқуқлар ташкил қилади деб эълон қилинган. Бу назарияни ислом дини ва католик черков намоёндалари қўллайдилар. Ҳуқуқни келиб чиқишини тушунтиришда теологик назария тарафдорлари асосий қонунлар инсонга худо томонидан

берилади деб курсатилган диний китобларга таянганлар. Масалан: Қуръон мусулмон ҳуқуқи манбаи.

5. Ҳуқуқнинг синфий назарияси - Ушбу назария вакилларининг таъкидлашича ҳуқуқ табиий ҳам, тарихан ҳам ҳатто психологик ҳолда ҳам вужудга келмаган дейилади, балки ҳуқуқ иқтисодий жihatдан ҳукмрон синфнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун давлат билан бир вақтда унга сиёсий қурол сифатида майдонга чиққан дейилади.

Ҳуқуқнинг асосий белгилари қуйидагилардир:

- 1) давлат йўли билан ўрнатилиши;
- 2) барча учун мажбурийлиги;
- 3) ҳуқуқ нормаларининг қонунлар ва бошқа муайян манбаларда ифодаланиши;
- 4) субъектив ҳуқуқлар орқали ҳаракат қилиш;
- 5) давлат томонидан таъминланганлиги.

Ҳуқуқ шакли деганда- давлат ва ҳуқуқ ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Унда ҳуқуқнинг ташқи ифодаланиши тушунилади.

Ҳуқуқ мабаии деганда – ҳуқуқ нормасини пайдо бўлиши ва амал қилишига имкон берувчи замин тушунилади.

Ҳуқуқ манбаларини қуйидаги уч асосий турга бўлиш қабул қилинган:

- 1) ҳуқуқий одат;
- 2) юридик прецедент;
- 3) норматив ҳуқуқий ҳужжат.

Ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги бешта белгиларга эга:

Биринчи белги. Ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатлар, яъни кишилар ўртасидаги фаолият, хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган муносабатлардир. Бу одамлар билан моддий буюмлар ўртасидаги алоқалар ҳуқуқий муносабатлар эмас. Бирон нарсанинг эгаси унга нисбатан ҳуқуқлар йиғиндисига эга, бироқ бу ҳуқуқлар бошқа кишилар билан муносабатга киришгандагина жонланади: мулкдор кимгадир нарсани сотиши, совға қилиши ёки фойдаланиб туришга бериши мумкин. Шу билан бирга, улардан ўзининг мулк ҳуқуқига риоя этишларини талаб этади.

Иккинчи белги. Ҳуқуқий муносабатлар амалдаги қонунчиликнинг кишилар хатти-ҳаракатига таъсири натижасида вужудга келадиган муносабатлардир. Ҳуқуқ нормаси ва Ҳуқуқий муносабат ўртасида жиддий боғлиқлик мавжуд. Юридик нормаларда кўрсатилган ҳуқуқий муносабатлар ҳаётда вужудга келади, яъни ҳуқуқий муносабатлар қонуний муносабатлардир. Қонун нормалари борми, демак Ҳуқуқий муносабат пайдо бўлади, нормалар бўлмаса, ҳуқуқий муносабатлар ҳам бўлмайди.

Учинчи белги. Ҳуқуқий муносабатлар – кишилар ўртасидаги субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар воситасидаги алоқалардир. Бу алоқаларнинг алоҳида шакли, объектив ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали намоён бўлади.

Субъектив ҳуқуқ эгаси – шахс, ҳуқуқ мажбурият эгаси, мажбуриятли шахсдир. Ҳуқуқий муносабатларда ваколатли шахсга мажбуриятли шахс, бошқа кишими, ташкилотми, давлат органи ёки давлатнинг ўзи бўлишидан

қатъий назар, қарама-қарши туради. Бу маънода ҳуқуқий муносабатлар индивидуаллаштирилган алоқалардир.

Тўртинчи белги. Ҳуқуқий муносабатлар - ихтиёрий муносабатлардир. Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши учун ҳуқуқ нормаларидан ташқари, унинг қатнашчиларининг ҳам ихтиёри зарур. Шундай ҳуқуқий муносабатлар борки, уларнинг юзага келиши учун барча қатнашчиларнинг ихтиёри зарур. Масалан, никоҳ ўқитиш учун икки томоннинг розилиги керак, сотувчи ва харидор келишсагина олди-сотди бўлади ва х.к. Яна шундай ҳуқуқий муносабатлар борки, уларнинг юзага келиши учун субъектлардан бирининг ихтиёри етарли. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ишининг қўзғатилиши.

Бешинчи белги. Ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан ҳимоя қилинадиган муносабатлардир. Давлат юридик нормалар талабларини бажаришни таъминлагани ҳолда шу нормалар асосида юзага келувчи муносабатларни ҳимоя қилади. Давлат томонидан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳар қандай жамият қонунчилигининг асосини ташкил этади.

Ҳуқуқбузарлик – ҳуқуқ бузилиши, яъни ноқонуний ҳатти-ҳаракат ҳисобланади. Ҳуқуқ бузилиши шахсга, мулкка, давлатга ёки умуман жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли, қонунга қарши ҳаракатдир. Ушбу тушунча ҳуқуқ бузилишининг қуйидаги бешта муҳим белгисини ўз ичига олади.

Биринчидан, ҳуқуқ бузилиши ижтимоий хавфли хусусиятига эга, яъни муайян зарар келтиради ёки шахс, мулк, давлат, жамият учун айни ҳолда хавф туғдиради. Ҳуқуқий адабиётларда ножўя ҳатти-ҳаракат ижтимоий хавф эканлиги ёки жуда оғир қонун бузиш тури эканлиги ҳақида мунозаралар мавжуд. Фикримизча, ҳар қандай қонун бузиш ижтимоий хавфлидир. Акс ҳолда қонунчиликка мувофиқ ҳар бир ҳуқуқ бузилиши учун белгиланган жазо муддатини қандай тушуниш мумкин?

Баъзи вақтларда жазо қилмишга нисбатан оғир ва қаттиқ белгиланади. Шунингдек, содир қилинган жиноят учун жарима сифатидаги жавобгарлик, жамоа танбеҳи белгиланса, маъмурий ножўя ҳатти-ҳаракат учун икки ойлик мажбурий меҳнатга ёки ўн беш кунга қадар маъмурий қамокқа тортилиши мумкин. Алоҳида олинган ижтимоий хавфли ҳаракат очик-ойдин бўлмаслиги (йўловчининг чорраҳадан қизил чирокда ёки тақиқланган ердан ўтиши) мумкин, башарти бу ножўя ҳаракат жамоат жойида бўлса, у очик-ойдин бўлади ва яққол кўзга ташланади.

Иккинчидан, ҳуқуқ бузилиши зид ҳатти-ҳаракат хусусиятига эга. Агар ижтимоий хавф –ҳуқуқ бузилишининг ички белгиси бўлса, зид ҳатти-ҳаракат унинг ташқи хусусияти ҳисобланади. Ҳуқуқ бузилиши –ҳуқуққа қарши қаратилган ва айни ҳолда унга тесқари ҳисобланади. Ижтимоий хавфлилик қонун бузилишининг зид ҳатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Агар ҳатти-ҳаракат алоҳида олинган шахс ёки жамият учун хавфли ҳисобланса, у вақтда ҳуқуқий нормалар билан ман қилинади. Ҳуқуқ бузилиши ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракатнинг юридик ифодасидир.

Учинчидан, ҳуқуқ бузилиши фақат одамлар томонидан содир этилади. Ҳуқуқ тарихидан маълумки, ҳайвонлар ҳам баъзи вақтларда қонун бузилишининг субъекти бўлиб ҳисобланган. Ўрта асрларда баъзи мамлакатларда тўнғизлар, сичқонлар, каламушлар, итлар ва ҳ. к. жиноят содир қилганлар, шунга кўра барча юридик қоидаларга мувофиқ, уларни суд қилишган: бу ҳақда тергов олиб борилган, улар судга чақириқ варақаси орқали чақирилган, прокурор ва ҳимоячи судда нутқ сўзлаган, суд ҳукми чиқарилган ва ижро қилинган.

Ҳуқуқ бузилиши ҳар қандай шахс томонидан эмас ўзи учун ҳисоб бера оладиган ва муайян хулқ-атвори бошқара оладиган шахс томонидан қилинган хатти-ҳаракатдир. Шунинг учун ўзига ҳисобот бера олмайдиган (ёки лаёҳатсиз ақли норасолар) шахслар, шунингдек, ёшларнинг ҳаракатлари қонун бузилиши ҳисобланмайди.

Тўртинчидан, ҳуқуқ бузилиши – хатти-ҳаракат ҳисобланиб, у фикр, тафаккур тимсоли эмас. Хулқ-атвор ҳуқуққа қарама-қарши ҳаракатларда ёки ҳаракатсизликда намоён бўлади. Қонун бузувчининг ижтимоий хавфлилиги ҳаракатнинг «моддийлиги»да намоён бўлади. Тафаккур ўз-ўзидан ижтимоий хавфнинг аниқ ва ҳолис мезони бўла олмаганидек, киши хатти-ҳаракатининг қонунийлиги ёки ноқонунийлигини ҳам белгиламайди.

Бешинчидан, ҳуқуқ бузилиши – айбли қилмишдир. Агар шахснинг ҳаракатида айб бўлмаса, унинг ҳаракати ҳуқуқ бузилиши ҳисобланиши мумкин эмас, гарчи унинг ҳолати четдан қараганда ҳуқуқ тартиботга қарама-қарши кўринса ҳам. Масалан, зарурий мудофаа ҳолатида одам ўлдириш.

2-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А :

- 1.Маъмурий ҳуқуқ предмети.
- 2.Маъмурий ҳуқуқ манбалари.
- 3.Маъмурий ҳуқуқ нормалари тушунчаси.
- 4.Маъмурий ҳуқуқий муносабатлар.
- 5.Ижро этувчи ҳокимият тушунчаси, унинг таркиби.
- 6.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари.
- 7.Вазирликлар, давлат кўмитаси, давлат идоралари тушунчаси.
- 8.Маъмурий жавобгарлик субъектлари.
- 9.Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси.
- 10.Маъмурий жазо ва унинг турлари.

Маъмурий ҳуқуқ - бу давлат органларининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидир.

Давлат бошқаруви ҳуқуқий нормалар асосида амалга ошади. Давлат бошқарувини амалга оширишга хизмат қиладиган ҳуқуқий нормалар – маъмурий **ҳуқуқ нормалари** деб аталади.

Маъмурий ҳуқуқ тизимига мувофиқ Умумий ва Махсус қисмлардан иборат. Умумий қисм барча ижро этувчи ва бошқарувчи органлар учун улар фаолиятини ташкил этиш принципларини белгиловчи нормаларни ўз ичига олса, махсус қисмда бошқарув органининг у ёки бу тармоқлари доирасида умумий принципларнинг қўлланилишини белгиланган.

Умумий қисмда маъмурий ҳуқуқ фанининг тушунчаси, мақсад ва вазифаси; маъмурий давлат боқаруви, боқарув принциплари, маъмурий ҳуқуқ тизими, мианбалари, маъмурий ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг келиб чиқиш асослари; маъмурий-ҳуқуқ субъектлар ва уларнинг ваколатлари; маъмурий жавобгарлик, уларнинг турлари, қўлланиш асослари; маъмурий ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот масалалари ўрганилади.

Махсус қисмда бошқарув органлари тизими фаолиятининг тузилмалари, функциялари ва шакллари, уларнинг асосий вазифаси бўлган - иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, маданият, таълим-тарбия, муҳофаа, тартибни сақлаш, ташқи алоқалар соҳасидаги муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий бошқаришилар ўрганилади.

Ўзларида маъмурий ҳуқуқий нормалари бўлган давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий актлари маъмурий ҳуқуқ манбалари хисобланадилар.

Давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва

мажбуриятларини белгиловчи Республикамиз Конституцияси бош манба ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари - бу қонунга таянган давлат ҳокимияти қоидалари воситалари орқали белгиланган ва таъминланган, давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларни бошқаришга даъват этилган ижтимоий тузимнинг табиатидан келиб чиқадиган нормалардир.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари йўл қўйилиши ёки тавсия этилиши керак бўлган хатти-ҳаракатнинг, давлат бошқарув органлари фаолиятининг, шунингдек, давлат бошқаруви соҳасидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг чегарасини аниқлайди. Маъмурий ҳуқуқ нормалари давлат бошқаруви субъектлари ва объектлари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий режимини, бошқарилаётган фаолиятини кўпгина томонларини амалга ошириш тартибини белгилайди. Маъмурий ҳуқуқ нормалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, уларни амалга оширишнинг тартиби ва қафолатини белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормаларининг кўп қисми буйруқ тусига эгадир. Уларни бузиш юридик жавобгарликка тортади. Лекин яхши ишлаганлик, ўз бурчини виждонан бажарганлик учун рағбатлантириш тўғрисидаги нормалар ҳам бор.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар - бу маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланган муносабатлардир. Уларнинг мазмуни субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланади.

Президент, унинг таркибий бўлимлари, мансабдор шахслар ва давлат аппаратининг бошқа хизматчилари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, уларнинг бўлимлари ва ходимлари, шунингдек республика фуқаролари, хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, фойда олишни мақсад қилиб олмаган фуқароларнинг бирлашмалари субъектлар бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролар маъмурий ҳуқуқий муносабатларининг субъекти сифатида: ўзларининг шахсий ҳуқуқлари ва бурчларини давлат бошқаруви соҳасида амалга ошириб, хусусий шахслар сифатида ишловчи фуқаролар ҳам маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бўлишлари мумкин. Фуқаролар иштирокидаги маъмурий ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги муносабатлар билан пайдо бўлиши мумкин:

- қонун буйича фуқароларга тегишли ҳуқуқни давлат бошқаруви соҳасида амалга ошириш;
- давлат бошқаруви соҳасида фуқароларга юкланган мажбуриятларни бажариш;
- давлат бошқарув соҳасида ўз мажбуриятларини бузиш;
- бошқарув органлари ёки уларнинг мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда катнашиш учун фуқаро маъмурий ҳуқуқий лаёкатга ва муомала лаёқатига эга бўлиши керак.

Маъмурий ҳуқуқий лаёкат - бу маъмурий- ҳуқуқий тусдали ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлиш қобилиятидир. У одам дунёга келган пайтда пайдо, бўлиб, у умрининг охиригача давом этади.

Маъмурий муомала лаёқатга эга бўлиш-бу ўз хатти-ҳаракати билан маълум ҳуқуқни эгаллаш ва давлат бошқаруви соҳасида ўзига юкланган мажбуриятларни бажариш қобилиятидир. Муомала лаёқати, одатда, фуқаро 18 ёшга тўлганда пайдо бўлади. Лекин айрим ҳолларда у эрта ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, 16 ёшга етган шахслар маъмурий ҳуқуқ бузишлар субъектлари бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органи- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидир.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирликлар

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

Давлат кўмиталари.

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

- Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси.

Агентликлар.

- Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги

- Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

- Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

- Ўзбекистон "Ўзкоммуналхизмат" агентлиги

- Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги

- Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги

- "Ўзархив" агентлиги

Бошқа қўмиталар.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита

Марказлар

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг 10-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриқонуний, айбли

(қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик энг муҳим белгиларидан бири ғайриқонунийликдир. Бу ғайриқонуний ҳаракат каби ғайриқонуний ҳаракатсиз бўлиши мумкин. Масалан, кўчадан ўтиш қондасининг пиёда томонидан бузилиши - ғайриқонуний ҳаракатдир. Ҳарбий хизматга чақирилувчи узрли сабабларсиз мудофаа ишлари вазирлиги органларига келмаса - бу ғайриқонуний ҳаракатсизликдир.

Бироқ, шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилди дейиш учун унинг айбдорлигини аниқлаш зарур. Бунда унинг айби атайин қилинган хатти-ҳаракатда ёки ҳаракатсизликда ва белгиланган тартибни бузишда ифодаланади.

Агар уни содир этган шахс ўз хатти-ҳаракатининг ёки ҳаракатсизлигининг ғайриқонуний эканлигини тушунган, унинг оқибатларининг зарарли эканлигини олдиндан кўрган ва унинг содир бўлишини хоҳлаган ёки билиб туриб бунга йўл қўйган ҳоллар қасддан қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик деб тан олинади.

Агар уни содир этган шахс эҳтиётсизлик оқибатида содир этган бўлса, ўз хатти-ҳаракатининг ёки ҳаракатсизлигининг зарарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини билган бўлса, лекин унинг олдини олишга енгилтаклик билан қараган бўлса ёхуд унинг шундай оқибатларни келтириб чиқаришини билса ҳам унинг шундай оқибатларни келтириб чиқариш мумкинлигини кўрмай қолса, маъмурий ҳуқуқ бузилишлар содир этилган деб тан олинади.

Республиканинг 16 ёшга тўлган фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва дипломатик иммунитетга эга бўлмаган хорижий фуқаролар маъмурий ҳуқуқ бузилишларнинг субъектлари бўлишлари мумкин. Шундай ҳуқуқ бузилишлар бўладиги, фақат 18 ёшга тўлгандагина жавобгар бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий жазонинг турлари қўйидагилардан иборат:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган еки бевосита шундай нарса бўлган ашени ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган еки бевосита шундай нарса бўлган ашени мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундириш жаримадир.

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

3-МАВЗУ: МОЛИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А :

1. Молия атамаси тушунчаси ва молиявий муносабатлар.
2. Молия ҳуқуқи предмети, молия ҳуқуқи манбалари.
3. Молиявий назорат тушунчаси ва вазифалари.
4. Молия интизоми, молиявий назорат тизими.
5. Аудиторлик фаолияти.
6. Банк тушунчаси. Банкларнинг асосий вазифалари.
7. Бюджет ҳуқуқи тушунчаси.
8. Солиқ ҳуқуқи тушунчаси.

Молия ҳуқуқи ўз таъсири остига маълум бир ижтимоий муносабатлар доирасини қамраб олади. Давлат ўз олдида турган вазифаларни бажаришда «молия» деб аталувчи иқтисодий ричағни қўллайди ва шу билан боғлиқ ҳолда молиявий фаолиятни амалга оширади. Мана шу сабабли молия ҳуқуқи тўғрисида сўз юритишдан аввал «молия» ва «давлатнинг молиявий фаолияти» деган тушунчаларни билиб олиш лозим.

Молия – пул муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг роли ва аҳамияти пул муносабатларининг иқтисодий муносабатларда тутган ўрни билан белгиланади.

Молия лотинча сўздан олинган бўлиб, пул тўловлари деган маънони англатади. Лекин молияни пул тўловлари деб тушунтиришнинг ўзи етарли эмас. Чунки бу тўловлар бир томондан, бюджетга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўтказишни; иккинчи томондан эса, давлат бюджети ва бошқа жамғармалар ҳисобидан маблағлар беришни; банклар орқали пул тўловлари (ҳисоб-китоблар)ни амалга ошириш сингари пул ҳаракатини ифода қилади ҳамда бу ҳаракатларда ижтимоий муносабатлар акс этади.

Ўзбекистон Республикасининг молияси - бу Ўзбекистон Республикасининг пул жамғармаларини (бюджет, бюджетдан ташқари ва бошқа жамғармаларни) ташкил қилиш, уни бўлиб чиқиш ва ундан фойдаланиш ҳамда аҳолининг ижтимоий-маданий талабини қондиришдаги, республика иқтисодиёти, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий ривожланишни таъминловчи молиявий (иқтисодий) муносабатлар ҳисобланади.

Мамлакатнинг молия тизими – бу давлат, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, халқ хўжалиги соҳаларининг пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланишнинг шакл ва усулларининг тизимидир.

Молия ҳуқуқи предмети - бу давлат томонидан ўз олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, марказлашган ва марказлашмаган пул жамғармаларини ташкил қилиниши, тақсимланиши ва ундан фойдаланилиши жараёнида юзага келувчи ижтимоий муносабатлардир.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар — бу молия ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар бўлиб, унинг иштирокчилари юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда меъёрларда кўрсатилган давлат пул жамғармаларини ва даромадларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларни бажаради.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос хусусиятларга эга. Молиявий муносабатларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, улар давлатнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари молиявий фаолияти жараёнида, яъни давлат ва маҳаллий пул жамғармаларини режали ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келади. Бундан уларнинг бошқа бир хусусияти келиб чиқади: молиявий муносабатлар мулкӣ, яъни пул муносабатларининг бир тури бўлиб ҳисобланади. Молиявий муносабатлар давлат ва ташкилотлар ўртасидаги бюджетга мажбурий тўловларни ўтказиш вақтида ёки бюджетдан ажратмалар олиш вақтида; давлат органларининг ўзига бўйсунган ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиши вақтида; Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида бюджет тақчиллигини банк кредити орқали қоплаш вақтида; давлат ва фуқаролар ўртасида солиқларни тўлаш вақтида юзага келиши мумкин.

Молиявий назорат - бу давлатнинг молиявий фаолияти жараёнида, яъни ишлаб чиқариш устидан, миллий даромадни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш устидан олиб бориладиган назоратдир. Бизга маълумки, давлат бошқарувида қонунийлик назорат, назорат, кузатиш, текшириш ва давлат бошқаруви органларининг ғайри қонуний ҳаракатлари устидан шикоят бериш усуллари ёрдамида амалга оширилади. Бу усуллар ичида назорат усули ўзининг кенг қамровлилиги ва аҳамиятлилиги билан бошқа усуллардан фарқ қилади. Назорат тўғрисида батафсилроқ тушунча ҳосил қилиш учун уни бошқа усуллар билан таққослаб кўриш лозим.

Молиявий назорат икки асосий вазифани бажаради:

- молиявий фаолият жараёнида қонунчиликка риоя қилиш ва таъминлаш;

- корхона, муассаса ва ташкилотлардаги молиявий операциялар қонун асосида олиб борилиши билан бирга, ундан самарали ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни таъмин этишдан иборат.

Молиявий назорат куйидаги мақсадларда амалга оширилиши мумкин:

биринчидан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдидаги молиявий мажбуриятларининг бажарилишини текшириш;

иккинчидан, давлат ва маҳаллий корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан уларнинг ихтиёрида ёки кундалик бошқарувида бўлган пул маблағларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлигини текшириш;

учинчидан, юридик шахслар томонидан молиявий операциялар, ҳисоб-китоб, ҳисобот ва пул маблағларини сақлаш ва сарфлашнинг қонунчилик билан ўрнатилган талабларига риоя этилишини текшириш;

тўртинчидан, ишлаб чиқаришнинг ички захираларини аниқлаш;
бешинчидан, молиявий интизом бузилиши ҳолларини бартараф этиш ва огоҳлантириш.

Молиявий назорат олдида турган вазифаларнинг бажарилиши билан молиявий интизомга риоя қилинишини таъминланади. **Молиявий интизом** - бу давлат ва маҳаллий ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ўрнатилган тартибига қатъий риоя қилишдир. Молиявий интизом талаблари нафақат корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларга, балки давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ҳам татбиқ қилинади. Бу билан молиявий назорат нафақат давлат манфаатларининг таъминланишини, балки фуқаролар ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлайди.

Молиявий назоратнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- тафтиш;
- текшириш;
- молиявий режалар, аризалар, молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш;
- ҳисоботларни, мансабдор шахсларнинг ахборотларини тинглаш.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонунига биноан **аудиторлик фаолияти** деганда - аудиторлик ташкилотларининг аудитолик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Аудиторлик фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан амалга оширилиши тақиқланган. Аудиторлик фаолияти аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахслар, яъни аудиторлар томонидан олиб борилади. Аудитор аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги ҳамда бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида аудиторлик ташкилотига зарар етказганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

1) аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш;

2) аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш;

3) аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

4) учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектдан олиш;

5) ишончли аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган барча ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш;

б) аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга аудиторлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш.

Аудиторлик текшируви:

- мажбурий шаклда;
- ташаббус тарзидаги шаклда ўтказилади.

Бюджет молиявий-ҳуқуқий категориялардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси¹ ҳамда 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига биноан давлат бюджети – республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат. Бундан ташқари давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида илк бор давлат ва маҳаллий бюджетларга тушунча бериб ўтилган бўлиб, бунга кўра **давлат бюджети** – бу давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Бюджетнинг қуйидаги асосий вазифаларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- миллий даромадни қайта тақсимлаш;
- иқтисодни тартибга солиш;
- бюджет соҳасини молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиесатини амалга ошириш;
- марказлашган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш ва фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш.

Бюджет - бу давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан тасдиқланадиган марказлашган пул жамғармаларининг ташкил топиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланилишининг асосий молиявий режаси бўлиб, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларнинг барча вазифалари ва функцияларини таъминлашга хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 122-модда. Тошкент, Ўзбекистон, 1992й.

Бюджет ҳуқуқининг предметини – бюджет жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш натижасида юзага келувчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Бу муносабатлар қуйидагилардан иборат:

- а) республикада бюджет тузилиши ва бюджет тизимини ўрнатиш;
- б) бюджет тизими даромадлар ва харажатларининг тузилишини ўрнатиш ва уларни турли бўғиндаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш;
- в) бюджет соҳасидаги ваколатлар доирасини чегаралаш (яъни давлат ва унинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари ўртасида);
- г) бюджет жараёнини ташкил этиш билан, яъни бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этишнинг тартибини жорий этиш, шунингдек тегишли бюджетларнинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш,
- д) бюджет ижросини назорат қилишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар ва ҳ.к.лар.

Солиқлар - бу юридик шакли жиҳатидан қайтариб берилмайдиган, юқори давлат ҳокимияти органи томонидан маълум бир ҳажмда ва муддатда тўлашлиги белгиланган, давлат ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий тўловларидир.

Қонунчилик актлари билан ўрнатилган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси – **давлатнинг солиқ тизимини** ташкил этади.

Солиқ тизимининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- давлат солиқ хизмати органларининг тизими;
- солиқ қонунчилигининг тизими ва тамойиллари;
- солиқ сиёсатининг тамойиллари;
- бюджетлар ўртасида солиқларни тақсимлаш тартиби;
- солиқ назоратининг шакллари ва усуллари;
- солиқ ишини юритишнинг тартиби;
- халқаро солиқ шартномалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: умумдавлат солиқлари; маҳаллий солиқ ва йиғимлар амал қилади. Солиқларни бир неча асосларга кўра таснифлаш мумкин:

1) солиқ тўловчиларга қараб:

- а) юридик шахслардан олинадиган солиқлар (масалан, қўшилган қиймат солиғи, даромад (фойда) солиғи);
- б) жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар (масалан, даромад солиғи);
- в) юридик ва жисмоний шахслар учун умумий бўлган солиқлар (масалан, ер солиғи);

2) солиқ солиш шаклига кўра:

- а) тўғридан-тўғри ундириладиган солиқлар (масалан, даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи);

б) эгри солиқлар (масалан, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи);

3) ҳудудийлигига кўра:

а) умумдавлат солиқлари;

б) маҳаллий солиқлар;

4) келиб тушиш манбасига кўра:

а) давлат бюджетига ўтказиладиган давлат солиқлари;

б) маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган маҳаллий солиқлар;

5) фойдаланиш хусусиятига кўра:

а) умумий аҳамиятга эга бўлган солиқлар;

б) мақсадли солиқлар;

6) ундириш муддатларига кўра:

а) бир галлик солиқлар;

б) доимий солиқлар.

Солиқ ҳуқуқий муносабатлари – солиқ ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинган ижтимоий молиявий муносабатлар бўлиб, бу муносабатлар солиқларни жорий этиш, юридик ва жисмоний шахслардан, солиқ тўловчиларнинг бошқа тоифаларидан солиқларни ундириш жараёнида юзага келади.

Солиқ ҳуқуқий муносабатлари қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

биринчидан, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўрнатиш ва ундиришга қаратилган давлат фаолияти жараёнида юзага келади;

иккинчидан, мақсадли тизимга эга, яъни солиқ ҳуқуқий муносабатларининг тизими маълум бир мақсадга – солиқларни ўрнатиш ва ундиришга қаратилган;

учинчидан, солиқ ҳуқуқий муносабатлари маълум бир субъектлар ўртасида бўладиган аниқ алоқаларни тартибга солади;

тўртинчидан, давлатнинг мажбурлов кучи билан химоя қилинади, яъни солиқ қонунчилиги бузилганда давлатнинг мажбурлов чоралари ҳаракатга келади.

4-МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А :

1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, тизими ва тамойиллари.
2. Фуқаролик ҳуқуқининг манбалари. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат тушунчаси.
3. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари, фуқаролик ҳуқуқининг объектлари.
4. Битимлар. Муддатлар.
5. Мулк ҳуқуқи тушунчаси, мулк ҳуқуқининг турлари, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш.
6. Мажбурият ҳуқуқи тушунчаси, мажбуриятларнинг турлари.
7. Шартнома ҳуқуқи тушунчаси, шартномаларнинг алоҳида турлари.

Фуқаролик ҳуқуқи товар-пул муносабатларини ва томонларнинг (қатнашчиларнинг) тенглиги асосланган бошқа муносабатларни, шунингдек мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий номулкий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат.

Фуқаролик ҳуқуқи ижтимоӣ муносабатларни тартибга солади ёки бу муносабатлар иштирокчиларига муайян ҳуқуқлар ва вазифалар юклайди ёхуд уларга бу ҳуқуқ ва вазифалар ўзлари белгилашларига имкон туғдиради. Натижада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг битта томони ваколатли шахс, иккинчиси бажарувчи шахс сифатида намоён бўлади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардир;

- ◆ субъектларнинг кенг доираси;
- ◆ объектларнинг кўп сонли эканлиги;
- ◆ томонларнинг келишувига биноан бир қатор ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини белгилаш имконияти;
- ◆ ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тўхтатилиши асосларининг хилма-хиллиги;
- ◆ фуқаролик ҳуқуқларини, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоратadbирларини амалга ошириш усулларининг ўзига хос томонлари.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг таркиби ўзгариши мумкин, бу ҳол ҳуқуқнинг қабул қилиниши туфайли содир бўлади. Ҳуқуқнинг қабул қилиниши деганда ҳуқуқларнинг бир шахедан (олдинги ҳуқуқ эгасидан) иккинчи шахсга (ҳуқуқни қабул қилган кишига) ўтиши тушунилади. У ўзидан олдинги ҳуқуқ эгасининг ўрнига ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг асосий унсурлари; субъект, объект, мазмун ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатида фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар, давлат шунингдек маъмурий-худудий тузилмалар майдонга чиқадилар.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти қуйидагилардир;

- ◆ нарса-буюмлар;
- ◆ пул, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк;
- ◆ шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар;
- ◆ ихтиролар, саноат намуналари, илм-фан, адабиёт, санъат асарлари, ақлий фаолиятнинг бошқа натижалари;
- ◆ шунингдек бошқа моддий ва номоддий неъматлар, хатти-ҳаракатлар;
- ◆ инсоннинг номи, ор-номуси, кадр-қиммати, ҳаёти, саломатлиги, тан дахлсизлиги ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектларига киради.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар:

- ◆ мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларга;
- ◆ моддий ва мажбуриятли;
- ◆ мутлақ ва нисбий муносабатлар бўлади.

Битимлар деб, жисмоний ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади (ФК 1-модда).

Ҳар қандай битим шахсларнинг эрки-иродасига боғлиқ бўлиб, муайян юридик оқибат келтириб чиқишига қаратилади. Битимда фуқаро ва ташкилотларнинг маълум моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлари билан ифодаланади.

Битим шахсларнинг эрки билан боғлиқ бўлган, уларнинг иродасидан келиб чиқадиган ҳаракат бўлганлиги туфайли битимда ифодаланадиган эркни изҳор қилиниши, яъни бошқа шахсларга билдириши лозим.

Битим тузиш вақтида муайён ҳуқуқий натижа келиб чиқиши учун битим тузувчи шахслар битимда ўз эрklarини ифодалашдан ташқари майян ҳаракатни бажаришлари лозим. Бу ҳаракат шарт қилинган ишни бажаришга, яъни бошқа шахсларга билдирилиши лозим.

Битимлар тушунчаси учун қуйдаги шартлар муҳимдир:

- битим тузувчи шахс фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади;
- муайян битимни тузувчи шахсда битимни тузиш эрки бўлиши ва бу эрк маълум ҳуқуқий оқибатлар туғдиришига қаратилган бўлиши лозим;
- шахснинг муайян юридик факт ҳисобланган ҳаракатда ўзининг ташқи ифодасини топиш, яъни маълум шаклда изҳор қилинган бўлиши керак.

Битим дейилганда фуқаролар ва ташкилотларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилаш, ўзгартириш тўхтатишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

Битимнинг шакллари.

Битим тузишда эркни ифодалаш усулига *битим шакли* деб айтилади. Битимлар оғзаки ёки ёзма шаклда тузилади.

Мол-мулк дейилганда айрим нарса буюмлар ёки уларнинг жами тушунилади. Баъзи ҳолларда мол-мулк қимматли қоғозлар, пул, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқидан (харидордан) иборат бўлади. Баъзан бу атама мулкӣ ҳуқуқлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ва вазифалар мажмуи сифатида ҳам ишлатилади.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва тўхтатилиши. Юридик фактлар мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва тўхтатилишига асос бўлиши мумкин. Нормал товар оборотида битта шахснинг конкрет мол-мулкига доир мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиши бошқа шахснинг бу мулкка бўлган мулкчилик ҳуқуқининг тўхтатилишини билдиради. Шунинг назарда тутиш керакки, айти бир юридик фактлар одатда мулк ҳуқуқининг пайдо бўлишига ҳам унинг тўхтатилишига ҳам асос бўлиб қолади.

Мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва тўхтатилиши асослари умумий ёки умумфуқаролик ва махсус асосларга бўлинади. Уларга қуйидагилар киради; ишлаб чиқариш фаолияти натижасида янги нарса буюмларнинг яратилиши; мевалар ва даромадларга мулкчилик ҳуқуқининг қўлга киритилиши; сотиб олувчининг нарсанинг эгаси ёки уни бегоналаштиришга вакил этилган шахс билан шартнома тузиши (олди-сотди, мол етказиб бериш); бир томонлама битимлар (васият).

Мажбуриятлар бу фуқаролик –ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, улар мол-мулкни топшириш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, зарар келтириш ёки мол-мулкни асоссиз равишда қўлга киритиш билан боғлиқ ҳолда қарор топади, бу муносабатлар натижасида битта томон бошқасидан муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширишни ёки қандайдир хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Мажбуриятлар вужудга келиш асосларига биноан шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятлар (бир томонлама битимлар, маъмурий ҳужжатлар, зарар етказиш, мол-мулкни асоссиз равишда қўлга киритиш ёки сақлаб туриш) бўлади, томонлар ўртасида ҳуқуқлар ва вазифаларнинг тақсимланишига кўра оддий ва ўзаро мажбуриятлар бўлади.

Фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарлик принципини қуйидагилардир;

- ◆ бу жавобгарликнинг қонунбузарларга муқаррар равишда татбиқ этилиши;

- ◆ мулкий жазо чорасининг содир қилинган жиноятга мувофиқ келиши.

Фақат қонунда кўзда тутилган ҳолардагина оширилган жавобгарлик белгиланиши мумкин (масалан, сифатсиз маҳсулот етказиб берилган тақдирда).

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бошланиши учун бир қатор шарт-шароитлар бўлиши зарур:

- ◆ биринчидан, маъсулият юкланган киши хулқ - атворининг ҳуқуққа зидлиги;

- ◆ иккинчидан бошқа субъектга зарар етказилиши;

- ◆ учинчидан, биринчи шартнинг иккинчиси билан сабабий боғланиши;

- ◆ тўртинчидан, ҳуқуққа зид хулқ - атворда ва содир бўлган зарали натижаларда қонунбузарнинг айби.

Бироқ айбсиз ҳолда ҳам бир қатор жавобгарлик ҳолларининг мавжудлигини назарда тутиш керак. Масалан, асоссиз равишда олинган ёки

биронинг ҳисобига сақланган нарсалар учун жазо белгилашда, ҳавфсизлиги юқори даражада бўлган манбага зарар етказилганда шундай бўлади.

Хулқ - атворнинг ҳуқуққа зидлиги шуни билдирадики, жавобгарнинг хатти-харакатлари ҳуқуқ нормасини ва уларга асосланган субъектив ҳуқуқларни ва бошқа шахсларнинг манфаатларини бузади.

Зарар етказиш дейилганда қуйидагилар тушунилади;

- ◆ мол-мулкнинг нобуд бўлиши;
- ◆ унга шикаст етказилиши;
- ◆ ортиқча чиқимлар қилиниши;
- ◆ даромад олмаслик.

Муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, у фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ифодалайди.

Муаллифлик ҳуқуқининг объекти фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳисобланади. Бунда асарнинг кадр-қиммати ва нашр этилган ёки этилмаганлигининг аҳамияти йўқ. Асар муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида тан олиниши учун қонун икки шартни қўяди;

◆ биринчидан, асар маълум бир объектив шаклда ифодаланган бўлиши;

◆ иккинчидан, бу объектив шакл муаллиф ижодий фаолияти натижаларини (қўлёзма, чизма) акс эттиришга имкон бериши керак.

Ворислик ҳуқуқи дейилганда вафот этган фуқаронинг мол-мулки унинг меросхўрларига ўтиши тушунилади. Ворислик ҳуқуқи фуқаролар вафот этганидан кейин уларнинг мулкӣ ва айрим номулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бошқа шахсларга ўтиши натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади.

Фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулкига таалуқли бўлган мол-мулк мерос қилиб олиш объекти ҳисобланади. Булар фуқароларнинг меҳнат даромадлари ва жамғармалари, уй-жой, хонадон, уйдаги ёрдамчи хўжалик, уй-рўзғор буюмлари ва ашёлари, шахсий истаъмол буюмлари ва жиҳозлардир.

Вафот этган кишининг хусусий мулк ҳуқуқи, айрим мажбурият ҳуқуқлари (жамғарма банкида омонатни талаб қилиб олиш, суғурта пули, қалам ҳақи олиш ҳуқуқи), шунингдек муаллифлик ҳуқуқи, ихтиро қилиш ҳуқуқлари мерос бўлиб ўтади.

5-МАВЗУ: ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А :

1. Тадбиркорлик ҳуқуқи предмети. Тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий тушунчалари:

2. Тадбиркорлик ҳуқуқи манбалари.

3. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ва турлари.

4. Тадбиркор фаолияти субъектлари турлари.

5. Тадбиркорлик шартномалари, шартнома асослари.

6. Тадбиркорлик шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари.

Бозор иқтисодиётига асосланган хўжалик юритиш шароитида тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Қайсики мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш учун керакли ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилган бўлса, шу ерда иқтисодиёт тараққий топиши, ривожланиши учун асос яратилган бўлади.

“Тадбиркор” деганда даромад олиш мақсадида, масъулиятни зиммасига олган ҳолда, жамиятга фойда келтирувчи бирон-бир иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган шахс тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида шундай таъриф берилади: - “Тадбиркорлик-мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир”.

“Бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчаларининг моҳияти бир хил. Бу сўз инглизчадан олинган бўлиб, *бизнес-”иш”*, *мен-”одам”* деган маънони англатади. Бизнес-тадбиркорлик иқтисодий категория бўлиб, у хўжалик юритиш усули, иқтисодий фаолият туридир. Тадбиркорлик субъектлари турличадир: улар-якка хусусий тадбиркорлар, жисмоний шахслар, корхоналар, ташкилотлар, улар номидан иш юритувчи юридик шахслар, ҳиссадорлик жамиятлари, жамоалари, шунингдек давлат корхоналарини тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган бўлса субъекти бўлиши мумкин. Аммо давлатнинг тадбиркорлигининг тартиби ва унга амал қилиниши назорати билан шуғулланувчи ташкилотлари, ходимлари тадбиркорлик субъекти бўла олмайди. Чунки даромад олиш учун сармоядан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлар тадбиркорликнинг реал субъекти бўла оладилар.

“Тадбиркорлик объекти” деганда, аввало маълум фаолиятни тушунамиз. Тадбиркорлик фаолиятида яратилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар, ундан олинган даромадлар моддийлашади.

Тадбиркорлик фаолияти - бозор иқтисодиётининг алоҳида бўғинларида, такрор ишлаб чиқариш борасида хизмат кўрсатувчи ташкилий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа хўжалик муносабатларининг мажмуидир. Шу сабабли тадбиркорлик-бозор хўжалигининг ривожланишини таъминловчи воситадир. Лекин тадбиркорлик жамиятда ўз-ўзидан юзага келмайди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики,

тадбиркорлик фаолияти яхши ҳуқуқий база мавжуд бўлган тақдирда ҳам етарли ташкилий ва иқтисодий шароитлар мавжуд бўлмаса, ривож топмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий муҳитни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, тадбиркорлик ҳар хил ижтимоий меъёрлар таъсирида бўлиб, уларнинг ичида ҳуқуқий нормалар, ишдаги саранжомлик, ишбилармонлик, одоб-ахлоқ қоидалари етакчи ўринларда туради.

Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодекслари, амалдаги қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан тортиб, токи вазирликлар идораларнинг ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб берилган.

Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар шахс ўз ташаббуси бўйича, ўз ихтиёри билан, бегона шахснинг тазйиқисиз ёки кўрсатмасисиз фаолият турини танлайди. Фаолиятини амалга ошириш вазифалари усули ва услубларини мустақил равишда ўзи белгилаб олади.

Тадбиркорлик-бозор иқтисодиётига хос махсус фаолият. Тадбиркор фойда олиш мақсадида махсулот ишлаб чиқаради ёки хизмат кўрсатади.

Тадбиркор -ўз тасарруфида ишлатиш ёки ўзга мулкдан фойдаланиб, товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатиш йўли билан пул топувчи шахс.

Мулкни ижарага берувчилар, пулини омонат банкка қўйиб фоиз олувчилар, қарзга пул бериб фоиз олиб сўдхўрлик қилувчилар, тадбиркор эмас. Бундай ҳолатлар тадбиркорликка кирмайди. Тадбиркорлик машаққатли иш бўлиб ҳамманинг кўлидан келавермайди.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишининг албатта тайёргарлиги бўлмоғи лозим. Тадбиркорликка қизиққан истеъдодли кишилар аҳоли ичидан кўплаб топилади. Бизнес-жозибатор. У ўз гирдобига кўплаб кишиларни тортади

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунида тадбиркорлик тузилмалари, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъий назар, қуйидаги ҳуқуқ мажбуриятлари кўрсатиб берилган. Қонунга асосан ҳар қандай **тадбиркорлик субъекти қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

-мамлакат қонунлари, Олий Мажлис қарорлари ва давлат бошқарув органлари ҳужжатлари билан ман этилмаган ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш;

-қонунга зид бўлмаган ҳар қандай корхона ёки ташкилот ташкил этиш;

-тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун, шартнома асосида бегона фуқароларнинг, корхоналарнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкни, пул воситаларини ва баъзи мулкка бўлган ҳуқуқларни жалб этиш;

-қонуний йўл билан қўлга киритилган мулкни жалб қилган ҳолда бегона хўжалик субъектларининг фаолиятида иштирок этиш;

-республикадаги жорий қонунлар ва тузилган шартномалар асосида ўзининг хўжалик дастурини мустақил шакллантириш;

-ўз маҳсулоти ва хизмати учун истеъмолчи ва таъминотчини мустақил танлаш;

-яратган товарига ва кўрсатадиган хизматига тариф ва нархларни мустақил белгилаш;

-ёлланма ишчиларни амалдаги қонун ва меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;

-ёлланган ишчилар учун иш ҳақи ва бошқа даромад турлари, шакллари, таркиби ва миқдорини белгилаш;

-ўзининг пул воситаларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит операцияларини бажариш учун банкларда ҳисоб рақамларини очиш;

-ишбилармонлик фаолиятидан келган даромаднинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан қолган қисмини ўз хоҳиши бўйича ишлатиш;

-чекланмаган миқдорда ҳар қандай шахсий даромад олиш;

-давлат таъминоти ва ижтимоий суғурта тизимидан фойдаланиш;

-судда, арбитражда ва хўжалик судида даъвогар ва жавобгар бўлиш;

-хорижий валюта сотиб олиш ва жорий қонунлар асосида ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил амалга ошириш.

Тадбиркорларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

-амалдаги қонун ва тузилган шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;

-ишга ёлланган кишиларга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига бирлашишларига тўсқинлик қилиш мумкин эмас;

-Республика ҳукумати томонидан белгиланган малакавий даражасини, минимал иш ҳақи миқдорини ва бошқа ижтимоий-иқтисодий кафолатларни ишловчиларга нисбатан инобатга олган ҳолда иш юритиш;

-Республика қонунларида кўрсатилган усул ва белгиланган миқдорда давлат ижтимоий суғурта фондига ёлланиб ишлаётган шахслар учун суғурта ажратмаларини тўлаб бориш;

-амалдаги қонун ва йўриқномалар асосида атроф-муҳит (экология) хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитария гигиенаси ва маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

-ўзининг молиявий аҳволидан қатъий назар, шартнома асосида ишга жалб этилган барча ишчи-хизматчилар билан бир вақтда ҳисоб-китоб қилиш;

-истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилиш;

-мамлакат қонунларга биноан лицензияланиши (махсус рухсат олиниши) кўрсатилган фаолият турларига белгиланган тартибда махсус рухсатнома (лицензия) олиш;

-давлат белгилаган барча солиқ ва тўловларни ўз вақтида тўлаш.

Қонунга кўра қуйидаги шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланади:

-давлат, ҳокимият, бошқарув ташкилоти ходимлари;

-ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари;

-давлат банки раҳбар ходимлари;

-пул белгиларини муомалага чиқаришга бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар;

-давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари ва банк ҳужжатига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари.

Тадбиркорлик фаолиятини шахслар иқтисодиётнинг турли соҳаларида, турли йўналишларида ва шаклларда амалга оширишлари мумкин. Масалан, фаолият йўналишлари бўйича: ишлаб чиқариш; тижоратчилик; хизмат кўрсатиш; воситачилик кўринишларида, тадбиркорлик: тармоқ соҳалари бўйича: саноатда, қишлоқ хўжалигида, агросаноат тармоқларида, қурилишда ва бошқа тармоқларда.

Фаолият мураккаблиги бўйича махсус билим талаб қилмайдиган, махсус билим талаб қиладиган, юқори технология ва нодир билимга асосланган тадбиркорлик мавжуд.

Тадбиркорнинг қандай вазифани бажаришига йўналганлигига кўра ишлаб чиқаришни бошқариш, молиялаштириш, воситачилик, тижоратчилик, турли хизматлар кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш кўринишида бўлиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тадбиркорликнинг маданийлашган ва ёввойи кўринишлари ҳам фарқланади. Масалан, маданийлашган тадбиркорлик жамиятга фойда келтирадиган фаолият билан шуғулланиш бўлса, ёввойи тадбиркорлик - ноқонуний йўллар билан пул топишга уринишдир.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида мулкӣ муносабатларни ҳал этиш катта аҳамият касб эта бошлайди. И.А.Каримов “Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим долзарб вазифа - мулкӣ муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти - мулкни ҳақиқий эгалари кўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборатдир” деб ёзади. Дарҳақиқат, турли мулк шакллари асосида тадбиркорликнинг турли шакллари юзага келади ва ривожланади.

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисидаги қонунига биноан тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги шакллари мавжуддир:

-якка тартибдаги хусусий тадбиркорлик фаолияти;

-ёлланма меҳнатни жалб этишга асосланган хусусий тадбиркорлик фаолияти;

-ширкатчилик асосидаги тадбиркорлик;

-жамоа тадбиркорлиги;

-давлат тадбиркорлиги;

-аралаш тадбиркорлик-юрӣдик шахс ҳамда фуқаролар томонидан мол-мулкни қўйиш йўли билан олиб борилади.

Ширкатнинг ҳам афзаллик ва камчилик томонлари мавжуд:

афзалликлари:

1) молиявий жиҳатдан якка эгалик фирмага нисбатан анча кучли бўлади;

- 2) ҳаракатдаги тезкорлиги;
- 3) менежерликда қўшимча имкониятига эга, яъни аъзолари бир-бирини камчилигини тўлдирган ҳолда бирлашадилар.

камчиликлари:

- 1) ширкатнинг ҳар бир аъзоси бошқа шеригининг хатти-ҳаракати учун жавобгар бўлади;
- 2) шериклар ўртасида ўзаро ишончсизлик пайдо бўлиши мумкин;
- 3) ширкат омадсизликка учраса ва бирон аъзосининг маблағи қарзни тўлашга етмаса, бошқа аъзолари тўлашлари шарт бўлади;
- 4) ширкат аъзолари шахсий жиҳатларининг жуда катта аҳамиятга эгаллиги.

Жамоа (корпорация) шаклидаги ширкат якка шахслар, муассасалар, ташкилотлар, корхоналар хоҳишлари ва ўзаро келишувлари асосида бирон мақсадни кўзлаб тузилган тадбиркорлик фаолияти. Унда хўжалик фаолияти ҳиссадорларнинг акция ёки пайчилик шаклидаги қўшган маблағлари асосида ташкил этилади.

Корпорациянинг афзаллиги:

- 1) муддатсиз равишда фаолият кўрсатиши мумкин;
- 2) корпорация синган тақдирда уни бошқарувчилар ўз мол-мулкидан ажралиб хонавайрон бўлмаслиги мумкин.
- 3) бир вақтда турли-туман соҳаларда баравар фаолият юрита олиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятининг йўналишлари, турлари ва шаклларида келиб чиқиб, корхоналар ҳам турли кўринишда бўлади. Улар бир-биридан, биринчидан, мулкка эгалик асоси ва иккинчидан, олинган даромадларни ўзлаштиришга кўра фарқланиши мумкин. Масалан, якка эгаликдаги хусусий корхона:

- ширкатчилик асосидаги корхона;
- жамоа корхонаси, ҳиссадорлик жамиятлари;
- давлат корхонаси;
- қўшма корхонаси;
- холдинг корхонаси;
- шўъба (қиз) корхоналар;
- консалтинг бирлашма;
- венчур корхона;
- дистрибютер корхона;
- масъулияти чекланган корхоналар.

Жамоа корхонаси - бу шундай хўжалик шаклики, унда барча мулк ва олинадиган фойда унинг меҳнат жамоасига тегишли бўлади. У қуйидагича ташкил этилиши мумкин:

- меҳнат жамоаси томонидан давлат мулкани сотиб олиш йўли билан;
- унча катта бўлмаган давлат корхоналарини жамоа корхонасига айлантириш йўли билан;

- жисмоний ва юридик шахслар мулкани ихтиёрий тарзда бирлаштириш йўли билан.

Ҳиссадорлик жамиятлари корхоналари шундай хўжалик шаклики, унинг Низом (Устав) фонди жамиятининг номинал қиймати маълум акциялар сонига тақсимланган бўлади ва мазкур жамият фонди ушбу акцияларни сотиш орқали шаклланади. Ҳиссадорлик жамиятлари очик ёки ёпиқ турда бўлиши мумкин. Агар унинг акциялари очик ёки обуна бўлиш йўли билан сотилса, қимматбаҳо қоғозлар бозорида ҳеч ким томонидан чекланмай эркин савдо-сотик қилинса, “очик ҳиссадорлик жамияти” деб аталади. Агар унинг акциялари қимматбаҳо қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият низомига биноан ман этилган ёки чекланган бўлса ва у фақат номланган (эгаси ёзилган) акциялар чиқарса “ёпиқ ҳиссадорлик жамияти” деб аталади.

Давлат корхоналарининг учта асосий турини алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) давлат бошқарув идорасига бевосита бўйсунувчилар; улар давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадилар; 2) мақсадлари ва фаолият доирасини давлат бошқарув идоралари белгилаб беради, нисбатан мустақил бўлган ҳамда бозорга ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга мўлжалланган; 3) мустақил товар ишлаб чиқарувчилар сифатида иш тутадиган (одатда, улар акцияларининг назорат пакети давлатники бўлган компаниялар) корхоналар. Иккинчи ва учинчи турдаги корхоналар, бир томондан, фойдани максималлаштиришга қаратилган, иккинчи томондан уларни ҳукумат мамлакат иқтисодиётини тартибга солиш вазифаларини ҳал этиш учун фойдаланиши мумкин.

Кўшма корхоналар - икки ёки ундан ортиқ юридик шахс, яъни корхоналар мулкани қўшиш йўли билан ташкил қилинган корхоналардир. Аммо амалиётда хўжалик субъектларининг хорижий шериклар билан биргаликда ташкил этилаётган корхоналари “кўшма корхона” деб айтилмоқда. Бу корхоналар мамлакатимизга илғор хорижий технология, бошқарув тажрибаси ва қўшимча молиявий ресурсларни (инвестицияларни) олиб киради ва экспортни кўпайтириш имконини беради.

Холдинг - мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида бунёд этилган жамиятдир. Холдингга бирлашган корхоналар, одатда “қиз корхоналар” деб ҳам аталади. Холдинг ёки бош холдинг компанияси ўзининг қиз корхоналари акцияларининг назорат пакетларини ўзида жамлаш йўли билан молия капиталини тўплайди. Акциялардан олинган дивидентлар унинг асосий даромади ҳисобланади. Холдинг компанияси ўз навбатида ўз акцияларини чиқариб ҳиссадорлик жамияти шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин. Холдинг қатнашчисининг омонати пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, асосий воситалар ёки бошқа моддий бойликлар шаклида бўлади. Омонатлар қиймати барча холдинг қатнашчилари иштирокида баҳоланади.

Шўъба корхона кўпинча корхонанинг ривожланиб бориши давомида бош корхона томонидан ташкил қилинади ва тўла мустақилликка эга бўлган юридик шахс сифатида фаолият кўрсатади. Аммо бош корхона (компания)

шўъба корхона акцияларининг асосий қисми (назорат пакети) эгаси сифатида унинг фаолиятига таъсир ўтказиши мумкин.

Холдинг компаниялари, мустақил фаолият кўрсатувчи алоҳида акциядорлик жамиятлари акцияларининг назорат пакетларини битта шахс томонидан сотиб олиниши орқали ҳам ташкил этилиши мумкин.

Холдинг давлатга тегишли ёки хусусий бўлиши ҳам мумкин. Давлат холдингида акциялар назорат пакети давлатга тегишли бўлади.

Холдинг компаниялар икки хил бўлиши мумкин:

-молиявий холдинг. У асосан назорат бошқарув вазифасини бажаради;
-аралаш холдинг-турли хил хўжалик фаолияти ва савдо-сотик билан шуғулланади.

Хорижий корхона, чет эллик инвестор томонидан бевосита таъсис этилиши ёки республикадаги мулк эгаларидан конвертирланувчи валютага сотиб олинган мулк асосида ташкил этилиши мумкин. Хорижий корхона фаолияти даромад олишга йўналтирилган бўлиши керак. Улардан мамлакат корхоналарига белгиланган тартибда солиқлар ундирилади, амалдаги қонунчилик доирасида солиқ имтиёзлари жорий этилади.

Консалтинг бирлашмалари - фирмаларга турли йўналишларда маслаҳат хизматлари кўрсатишга ихтисосланган иқтисодий фаолиятдир. Консалтинг бирлашмалари, маслаҳат бозорини бунёд этиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятининг тараққиётига катта ёрдам кўрсатади. Чунки бу каби вазифаларни алоҳида фирмаларнинг ўзлари талаб даражасида амалга ошира олмасликлари мумкин.

Консалтинг бирлашмалари (фирмалари) қуйидаги маслаҳат хизмати турларини амалга оширишлари мумкин:

- барча мулк шаклларидаги корхоналарни рўйхатга олиш учун таъсис ҳужжатларни тайёрлаш бўйича маслаҳатлар бериш;

- маркетинг бўйича изланишлар ўтказиш;

- хусусийлаштириш, акционерлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

-ташқи иқтисодий фаолият бўйича маслаҳат бериш;

-реклама стратегиясини ишлаб чиқиш, реклама материалларини тайёрлаш ва уларни тарқатиш;

-ҳуқуқ, молия, ташкилий, бошқариш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

-ақлий (интеллектуал) мулкни ҳимоя қилиш масаласи бўйича маслаҳатлар бериш;

-хизматчиларни тайёрлаш ва малакани ошириш;

-фирма иш услубини ишлаб чиқиш;

-хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, маданияти, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

-инвестицияларни жалб қилиш, имтиёзли кредит олиш, зарурий ресурсларни ва капиталларни сотиб олиш бўйича;

-техник лойиҳаларнинг экспертизаси бўйича ва ҳ.к.

Венчур корхоналар - фаннинг салмоғи юқори бўлган соҳаларига оид кичик корхоналар бўлиб, улар илмий-муҳандислик ишлари бўйича

янгиликларни яратиш ва уларни тадбиқ этишга асосланган бўлади. Бундай корхоналарга одатда, ўз ғояларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, муайян фойда олишга интилаётган олимлар, муҳандислар, ихтирочилар асос соладилар. Венчур корхоналар техникасининг янги йўналишларида иш кўриб, фан-техника тараққиётига хисса кўшади. Улар илмий-техника, технология, муҳандислик ишларида янгиликлар яратиш, янги товар намуналарини яратиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, тижорат сирини ташкил этишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, йирик фирмалар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажариш ишлари билан шуғулланишлари мумкин.

Давлатнинг монополизмга қарши сиёсати рақобат муносабатларини такомиллаштиришда ғоятда муҳим воситадир. У, биринчидан, айрим фирмалар томонидан бозорнинг эгаллаб олинишига қарши курашни; иккинчидан, фирмалар ўртасидаги бозор механизмлари ҳаракатини чеклаши мумкин бўлган яширин келишувларини бартараф этишни; учинчидан, захираларнинг иқтисодиёт бир тармоғидан бошқасига эркин ўтиши йўлидаги ғовларни йўқотишни тақозо этади(етарли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборот муайян анъаналар, қонунлар, майда тадбиркорлар учун кредит йўли берклиги ва ҳоказолар ана шундай ғовлар бўлиши мумкин).

Монополизмга қарши сиёсат шартлаган чоралар кўпинча “эркин” бозор иқтисодиёти принципларига зид келади. Лекин, қандай ғайритабиий туюлмасин, улар бозор стихиясини ўз-ўзидан емирилишдан (монополия бозор кучлари ҳаракатининг қонуний натижаси бўлган ҳолда) ва бозорни ташқаридан емирувчи омиллардан (рақобатнинг номукамаллиги, табиий ресурсларнинг чекланганлиги, хўжалик фаолияти ва қонунчиликнинг хусусияти, ҳукумат муассасалари, анъаналар ва ҳоказоларнинг ҳаракатлари келтириб чиқарган ҳолда) ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Монополизмга қарши сиёсатни амалга оширишнинг иккита асосий усули маълум: маъмурий (қонун чиқарувчилик) ва рақобат муносабатларини билвосита тартибга солиш.

Картелларга қарши қонунчилик. Картель - фирмаларнинг ўзаро нарх белгилаш ва сотиш бозорларини тақсимлаш борасидаги шартномага асосланган бирлашув шаклидир. Бундай келишувлар бозор механизми ҳаракатини бузиши равшан, улар одатда қонун томонидан таъқиқланган.

Фирмаларнинг яккаҳокимлик амалиёти ва нопок рақобатга қарши қонунчилик. Картеллар келишувидан ташқари, фирмаларнинг яккаҳокимлик амалиётида қўлланилади:

- сунъий тақчилликни юзага келтириш мақсадида товарларни муомаладан чиқариш, уларни ишлаб чиқаришни чеклаш ва тўхтатиш;
- рақобат кураши воситаси сифатида нархларни сунъий равишда пасайтириш;
- товар сотиш шarti сифатида харидорга мажбурий ассортиментни тиқиштириш;
- потенциал шериклар билан иш олиб боришдан воз кечиш тўғрисида олдиндан келишиб олиш;

- шунга ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир неча фирмаларда раҳбар лавозимларни эгаллаш.

Бу ҳаракатларнинг барчаси, шунингдек нопок рақобатнинг қуйидаги усуллари ҳам қонун томонидан таъқиб қилинади;

- бошқа товар белгиси, фирма номи ёки товардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, бошқа фирмаларнинг товарлари ташқи кўриниши, ўралишидан нусха кўчириш;

- рақобатчиларнинг обрўсига дахлдор ёлғон хабарларни тарқатиш;
- саноат соҳасида жосуслик;
- товар тайёрлаш усули ва жойи борасида истеъмолчини чалғитиш;
- буюртмачи, етказиб берувчи, воситачи ва ҳоказоларни алдаш.

Давлат ташкилотларининг яккаҳокимлик амалиётига қарши қонунчилик. Давлат муассасалари ихтиёридаги имкониятлар-молиявий текширув, жарима солиш, хўжалик фаолиятини таъқиқлаш ва ҳоказолар-рақобат курашига яқун ясаши мумкин бўлган жуда қудратли куролдир. Шу сабабли виждонсиз тадбиркорлар давлат амалдорларини сотиб олиб, улардан фойдаланишга интилади. Давлат муассасаларининг рақобат курашида иштирок этишнинг бошқа шакли-айрим фирмаларга асоссиз имтиёзлар, дотациялар, кредитлар берилишидир. Бундай “ёрдам” тадбиркорларни тенг бўлмаган шароитга солиб қўяди. Ана шу сабабли қонунчилик, одатда, хўжалик ҳаётига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган давлат амалдорларининг бизнесда иштирок этишини таъқиқлайди.

Давлат монополизмга қарши фаолиятнинг соф иқтисодий усуллари ҳам фойдаланади. Улар асосан монополлаштирилган тармоқларда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, захираларнинг эркин оқиб келиши йўлидаги ғовларни бартараф этиш, ахборот бериш каналларини такомиллаштириш учун қўлланилади. Анчадан бери тармоқларда фаолият кўрсатаётган фирмалардагидан сарф-харажати одатда юқори бўлган бошловчи фирмаларга давлат имтиёзли кредит, пул ёрдами, солиқда имтиёзлар беради. Айниқса, улар танлов асосида жойлаштирилса, ҳукумат буюртмалари тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантиришнинг қудратли воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари давлат муассасалари статистика тўпламлари, ахборот бюллетенлари, махсус иқтисодий адабиётлар чиқаради, тадбиркорларга бепул маслаҳатлар беради. Бу эса хўжалик ҳаётининг ҳолати ҳақидаги ахборотни эркин ҳаракат қилдиришга ёрдам беради, тадбиркорликда таваккал қилишни камайтиради.

Монополизмга қарши қонунчилик бозор рақобати механизмини сақлаш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшади. Бироқ бу ерда ҳам унинг ўз муаммолари мавжуд. Қонунчилик монополистни баркамол рақобатчидан ажратувчи, фирманинг у ёки бу ҳаракатини яккаҳокимлик амалиётига киритиш мумкин бўлган аниқ мезонларни бермайди (объектив равишда бера олмайди ҳам). Масалан, фирмалар сарф-харажатдан паст нархлар деб ҳисобланади. Айни вақтда, амалиёт кўрсатишича, фирмалар кўпинча ишлаб чиқаришдаги заруриятдан (масалан, талаб пасайганда) ана шундай қилишга мажбур бўладилар.

Республикада монополиялар рўйхатга кирган корхона (тармоқ)ларнинг бозордаги мавқеини тартибга солишда давлат бир катор усуллардан фойдаланилади. Бу усуллардан иккитасини ажратиб кўрсатиш лозим:

1. Монопол мавқеидаги маҳсулотларга нархларнинг энг юқори даражасини ёки рентабеллигининг чегарасини белгилаб қўйиш.

2. Ўз монопол мавқеини суиистеъмол қилган монополистик бирлашмаларни бўлиб ташлаш ёки майдалаштириш. Бу усул Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 июлдаги 366-сонли қарори билан тасдиқланган “Объектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида амалга оширилади. Республикада фақат 1994-1996 йиллар давомида монопол мавқеидаги акциядорлар жамиятлари, ижара ва бошқа жамоа корхоналари таркибидан 14972 объект чиқарилиб, мустақил корхоналарга айлантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” (1996 йил, апрел) қонуни асосида ғирром рақобатга, шу жумладан Республика бозорларига белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товарларни чиқаришга йўл қўймайдиган механизмни яратишга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Табиий монополияларни давлат йўли билан тартибга солиш улар маҳсулот (хизмат)ларига нархлар ва тарифлар даражасини, шунингдек таклиф этиладиган товарлар ва хизматлар турига асосий кўрсаткичларни белгилаш ўз ичига олади.

Рақобатчилик муҳитини шакллантириш мақсадида ва давлатга қаршли бўлмаган секторни қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш фонди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди ташкил этилди. Рақобатчилик муҳитини шакллантиришга кўплаб халқаро ташкилотлар ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан ЮНИДО ёрдамида бир нечта бизнес инкубаторлар ташкил этилди. Европа Амалий жамияти Комиссияси алоқалар маркази, Германия техника кўмаклашув жамияти кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш марказини ташкил этди.

Республикада рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда амалга оширилаётган барча ишлар бозор иқтисодиётини таркиб топтиришга хизмат қилади.

6-МАВЗУ: МЕХНАТ ХУҚУҚИ АСОСЛАРИ.

Р Е Ж А :

1. Мехнат тушунчаси, предмети.
2. Мехнат ҳуқуқи манбалари.
3. Мехнат шартномаси тушунчаси.
4. Мехнат дафтарчаси. Синов тушунчаси.
5. Иш вақти тушунчаси.
6. Интизомий жавобгарлик тушунчаси.
7. Интизомий жазо турлари.
8. Мехнатни муҳофаза қилиш тушунчаси.
9. Мехнат низолари.

Мехнат ҳуқуқи тушунчаси, унинг томонлари ва субъектлари. Мулкчилик шаклларида қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар билан мехнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаётган барча шахслар мехнат муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқ тармоғи мехнат ҳуқуқи ҳисобланади. Мехнат ҳуқуқи мехнат муносабатларининг вужудга келиши, амал қилиши ва бекор қилинишини тартибга солади, ходимларнинг биргаликдаги мехнатлари режимини белгилайди, мехнат мезони, мехнатни муҳофаза этиш қоидалари ва мехнат низоларини кўриб чиқиш тартибини ўрнатади.

Мехнат ҳуқуқи мехнатни ижтимоий-иқтисодий ташкил этишдаги мехнат бўйича муносабатларни тартибга солади, яъни жамиятда мавжуд бўлган биргаликдаги мехнат жараёнидаги кишилар ўртасидаги алоқани тартибга солади.

Мехнат ҳуқуқининг асосий мазмунини мехнатга оид муносабатлар ташкил этади. Мехнат ҳуқуқининг субъектлари 2га бўлинади: 1) Асосий субъектлар; 2) қўшимча субъектлар. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 14,15-моддаларига биноан, ходим ва иш берувчи мехнат муносабатларининг асосий субъектларидир. Мехнат жамоаси кенгаши, мехнат низолари бўйича комиссиялар, касаба уюшмалари, мехнат органлари, корхоналардаги ҳуқуқий хизматлар (ҳуқуқий маслаҳат) ва ишлаб чиқаришнинг нормал ишлашини таъминловчи бошқа тартиботлар қўшимча субъектларни ташкил этади.

Мехнат жараёнидаги ижтимоий муносабатларда асосан, икки томон: ходим ва иш берувчи иштирок этади. Ходим сифатида мехнат қилиш ҳуқуқи ва муомала лаёқатига эга бўлган, яъни муайян ёшга етган, ўзининг жисмоний ва ақлий қобилиятига кўра ёлланиб ишлаши мумкин бўлган фуқаро субъект бўлиб қатнашади. Ходимнинг мехнат ҳуқуқи мавқеи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Мехнат Кодекси (14,16,20,21,23-моддалар) ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

Меҳнат муносабатлари субъекти сифатида иккинчи томондан иш берувчилар, яъни фуқароларни ишга ёллашга, улар меҳнاتини қонун талаблари асосида ташкил этишга, меҳнатга ҳақ тўлашга лаёқатли бўлган тижорат, тижоратга алоқасиз ташкилотлар, муайян ҳолларда айрим фуқаролар қатнашдилар. Иш берувчининг юридик мавқеи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик Кодекси, Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни ва қонунчилик ҳужжатларига кўра белгиланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланувчи якка тадбиркорлар фаолияти ўзларининг шахсий меҳнатлари билан тадбиркорлик фаолияти олиб боришлари мумкин, яъни улар ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари мумкин эмас ва шу сабабли меҳнат ҳуқуқининг субъекти бўлолмайдилар.

Меҳнат ҳуқуқининг манбалари. Меҳнат ҳуқуқининг манбалари,бу-соҳадаги ҳуқуқий муносабатларга тадбиқ этиладиган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Шу сабабли муайян ҳаётий вазиятларга мос келувчи меъёрий ҳужжатларни танлай билиш, уларни тўғри тадбиқ этиш кўп жиҳатдан ушбу мавзунини тўлиқ ўзлаштиришга, талаба меҳнат ҳуқуқига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари, юридик кучи ва таъсир доирасини тўлиқ тушуниб этганлигига боғлиқдир.

Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари. Улар иккига бўлинади: а) умумҳуқуқий; б) тармоқлараро. Умумҳуқуқий тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган. Тармоқлараро тамойиллар эса меҳнат, тадбиркорлик, ижтимоий-таъминот, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига оид ҳуқуқ меъёрларида акс эттирилган.

Меҳнат шартномаси тушунчаси. Меҳнат шартномасини бекор қилиш. Мамалакатимизда Фуқароларнинг меҳнат қилиши ҳуқуқини амалга оширишнинг асосий шакли-меҳнат шартномаси. Меҳнат Кодексининг 72-моддасига биноан меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида тегишли ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келушувдир. Меҳнат шартномаси фуқароларнинг меҳнатга бўлган конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклидир. Меҳнат шартномаси асосида меҳнатга жалб қилиши, ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар бир кишига эркин касб танлаш имконини беради.

Меҳнат шартномасини тузиш-унинг тарафлари бўлиб ҳисобланадиган ходим ва иш берувчи ўртасида ўзаро ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларни белгилаб олиш, ҳужжатлаштиришдан иборат эркин, иродавий жараёндан иборатдир.

Меҳнат шартномасини тузиш жараёни қўйидагича амалга оширилади:

1. Бўлғуси ишнинг шарт-шароитлари ҳақидаги бошланғич музокаралар, ўзаро танишув жараёни;

2. Ходим томонидан шахси, малакаси, саломатлиги аҳволи ва бошқа талаб этиладиган ҳужжатларни тақдим Метиш;

3. Ходим ва иш берувчи томонидан меҳнат шартномасининг зарурий ва қўшимча шартларини муҳокама этилиши, шу асосда ёзма шаклда меҳнат шартномаси лойиҳасининг тузилиши;

4. Меҳнат шартномасини ходим томонидан иш, берувчи (унинг ваколатли вакили) томонидан имзолаш.

Меҳнат шартномаси тузишдан иш берувчи ғайри қонуний равишда бош тортиши мумкин эмас. Ишга нкирувчи шахс меҳнат шартномаси тузилишидан олдин қонунда талаб этиладиган ҳужжатларни тақдим этиши лозим(80-модда). қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Меҳнат шартномасида қўшимча шарт сифатида дастлабки синов қўллашлик назарда тутилган бўлса, у ҳолда бу ҳақда ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқда кўрсатиб қўйилади. Синов муддати уч ойдан ошиб кетмаслиги керак. Агар дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашув бўлмаса, дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланади (84-модда). Аёлларда (ёшга тўлмаган боласи бўлса), ҳомиладор аёллар, корхонанинг талаби билан ишга келганлар, 6 ойлик муддатга меҳнат шартномасини тuzганлар учун дастлабки синов қўлланилмайди.

Меҳнат шартномаси уч хил муддатга тузилади: 1) номуайян муддатга; 2) муайян муддатга (5йилгаша); 3) вақтинчалик, мавсумий ишлар ушун.

Меҳнат шартлари ўз ичига меҳнат жараёнидаги барча ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларини олади. Ижтимоий омиллар: меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилнинг муддати ва бошқа шартлардан иборат. Ишлаб чиқариш омилларига эса техника, санитария,гигийенага оид ишлаб чиқариш, маиший ва бошқа шартлар киради.

Меҳнат шартларини шартнома тарафларидан бирининг ташаббуси билан ўзгартирилишига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёъл қўйилади (89-модда). Меҳнат шартларини ўзгартириш ҳолларининг энг муҳими бошқа ишга кўчиришдир. Ходимни доимий бошқа ишга ўтказиш фақат унинг розилиги билангина амалга оширилади (92-модда).

Меҳнат шартномаси бекор қилинаётган пайтида ходимларнинг ҳуқуқлари устувор ҳимояланиши тамойиллари белгиланган бўлиб, бу масалада ходимлар учун иш берувчиларга нисбатан кенгрок ҳуқуқлар, қўшимча кафолатлар берилган. Меҳнат шартномаси куйидаги асосларда бекор қилинади (97-модда):

- 1) Тарафларнинг келишувига кўра;
- 2) Тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- 3) Меҳнат шартномаси муддатининг тугаши билан;
- 4) Меҳнат шартномаси тарафлари (ходим ёки иш берувчи)га боғлиқ бўлмаган ҳолатлар;
- 5) Меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра;

б) Ходимнинг сайловдан ёки танловдан ўта олмай қолганлиги ёки унда қатнашишни истамаганлиги.

Иш вақти, дам олиш вақти, таътиллار ва иш ҳақи. Иш-вақти қонун билан унинг асосида белгиланган вақт бўлиб, бу вақт мобайнида ходим ёки меҳнат тартиби асосида белгиланган қоидаларига мувофиқ суратда, ўз меҳнат вазифаларига мос равишда хизмат бурчини бажариши лозим.

Иш вақтининг муддати муҳим меҳнат шароитларидан бири бўлиб, барча меҳнат қилувчиларга даҳлдор. Шунинг учун ҳам қонун сутка ва ҳафта давомидаги иш вақти муддати нормасини нормал, қисқартирилган, тўлиқсиз, нормаланмаган ва ҳоказо қилиб белгилайди. Иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ошиқ бўлиши мумкин эмас. Иш ҳафтаси бир ва икки дам олиш кунлари билан беш кунлик, олти кунлик бўлиши мумкин. Сутка давомидаги иш вақти муддати иш куни деб аталиб, этти соатни ташкил этади. Беш кунлик ич ҳафтасида эса ишнинг муддати саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим(114-модда). Байрам(ишламайдиган) кунлари арафасида иш куни муддати (смена) камида бир соатга қисқартирилади(121-модда).

Меҳнат шароити ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари билан бирга кечадиган ишчи ва хизматчилар учун, олий ва ўрта ўқув юр்தларининг ўқитувчилари, муаллимлари, тиббий ходимлар, мактабгача муассасалар ходимлари ҳамда катта рухий ва ақлий меҳнат сарфлаш талаб хетиладиган жойларда ишловчилар учун қисқартирилган иш вақти белгиланади(116,117,118-модда).

қонунга биноан тунги иш муддати бир соатга қисқартирилади(соат 22дан эрталаб 6га қадар).

18 ёшга йетмаган шахсларни тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш тақиқланади.

Дам олиш вақти ходим меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод қилинган вақт бўлиб, бу нафақат ходим ушун аҳамиятга эга бўлган ҳодиса бўлмай, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқелиқдир.

Дам олиш вақтининг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) иш куни давомидаги дам олиш вақти;
- 2) иш кунлари орасидаги дам олиш вақти;п
- 3) иш ҳафталари ўртасидаги дам олиш вақти (дам олиш куни);
- 4) байрам кунларидаги дам олиш вақти;
- 5) йиллик меҳнат таътили.

Дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Ходимларни улар дам оладиган кунлари ишга жалб этиш меҳнат қонунчилиги ёъл бергандагина амалга оширилади(220,228,245-модда) ва бунинг Мучун алоҳида компенсация ва ҳақ тўланади(157-модда). Иш вақтидан ташқари, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишга икки ҳиссадан кам бўлмаган миқдордаги ҳақ тўланади. Ходимнинг розилиги билан бошқа дам олиш куни (отгул бериш) бериш йўли билан ҳам ҳал қилиниши мумкин.

Йиллик меҳнат таътили ходимлар учун кафолатланган дам олиш вақтининг асосий шаклидир. Барча ходимларга иш жойи (лавозими)

сақланган ҳолда ҳар йили 15 иш кунидан кам бўлмаган миқдорда йиллик меҳнат таътили берилади.

Меҳнат шароити зарарли ёки ноқулай жойларда қўшимча меҳнат таътили бериш, ходимларнинг айрим тоифаларига (18 ёшга тўлмаганлар, ногиронлар, маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқа айрим муассасаларнинг ходимлари ва бошқалар) узайтирилган меҳнат таътили бериш назарда тутилган.

Меҳнат қонунчилигида ходимларга оилавий ва бошқа сабабларга кўра ижтимоий таътил бериш ҳам белгиланган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Иш ҳақи сақланган ҳолдаги;
2. Ҳомиладорлик ва фарзанд кўриш;
3. Болани парваришlash даври учун;
4. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга бериладиган ўқув таътили;
5. Ижодий таътил.

Меҳнат қонунчилигида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида иш ҳақининг энг кам миқдори белгилаб қўйилган(155-модда). Бу миқдор нарх-навонинг ошиб боришига қараб индексацияланиб, ошириб борилади.

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган муддатларда тўлаши шарт. Меҳнат шартномасининг тарафлар келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишувида ўрнатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас(154-модда).

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг яқка шартларини ходим учун ноқулай томонга ўзгартиришга унинг розилигисиз ёъл қўйилмайди. Истисно тариқасида ўзгартириладиган бўлса бу ҳақда ходим камида икки 1 ой олдин огоҳлантирилиши лозим(156-модда).

Меҳнат муҳофазаси, меҳнат низолари ва уларни кўриб чиқиш тартиби. Барча корхоналарда хавфсизлик ва тозалик талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Ходимлар техника хавфсизлиги , ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш каби қоидалар ҳақида ёъл-ёълриқ бериш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига Ҳриоя этилишини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувши зиммасига Мюклатилади(215-модда). Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйиша ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган меъёрлар бўйича:

- сут (унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);
- даволаш-соғломлаштириш озиқ-овқатлари;
- газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);
- маҳсус кийим-бош кийим, маҳсус пойабзал, бошқа шахсий гигиена ва ҳимоя воситалари билан бепул таъминландилар.

Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган бошқа ишга ўтиш-ходимнинг ҳуқуқларига киради. Бунда ходим камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда шундай ишга ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафта давомида аввалги ўртача ойлик иш ҳақи олиши керак(218-модда).

Ходим ўз ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солаётган ишни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга. Ана шу давр мобайнида (зарур чоралар кўрилгунига қадар бўлган вақт) ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади(219-модда).

Иш берувчи иш ўрнида касал бўлиб қолган ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган чоралар кўриши шарт. Иш жойида оғриб қолган ходимларни даволаш -соғломлаштириш муассасаларига олиб бориш, зарур ҳолларда, иш берувчининг ҳисобидан амалга оширилади.

Меҳнат қонунчилигига кўра ходимлар мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари керак. Ходимлар тиббий кўрикларлардан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар. Ходимда касб касаллиги белгилари аниқланган тақдирда маъмурият тиббий хулоса асосида унинг ихтисосини ўзгартиргунга қадар ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказиши лозим.

Меҳнат низолари-меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий актлар, жамоа шартномаси ва меҳнат тўғрисидаги бошқа битимлар, шунингдек меҳнат шартномаси контракт шартларининг қўлланилиши юзасидан ходимлар билан маъмурият(иш берувчи) ўртасида юзага келадиган келишмовчилик ва ихтилофлардан иборат.

Меҳнат шароитларининг ноқулайлиги, меҳнат шартларининг ўзгартирилиши, бекор қилиниши, ходимларга қонунда назарда тутилган кафолатларни бермаслик каби қатор объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра ходим ва иш берувчи ўртасида ўзаро келишмовчилик-меҳнат низоси юзага келади. Агарда бу ихтилоф томонларнинг ўзаро келишуви билан бартараф этилмаса, у ҳолда бу низо қонунда белгиланган ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳал этилади.

Меҳнат низоларини кўриб ҳал этилиши усулига кўра умумий ва махсус меҳнат низоларига, моҳиятига кўра меҳнат шартларини белгилаш, ўзгартириш, бекор қилишга оид меҳнат низолари ҳамда меҳнат шартларини қўллаш билан боғлиқ меҳнат низоларига бўлинади. Умумий меҳнат низолари барча ходимларга оид низолар бўлиб, умумий тартибда низони кўриб чиқиш комиссияси ёки суд йўли билан ҳал этилади. Умумий меҳнат низолари икки босқичда, меҳнат низолари комиссиялари ва суд томонидан кўриб чиқилади, ходим бевосита судга бемалол мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат низолари комиссияси корхона, муассаса, ташкилотнинг бевосита ўзида фаолият олиб боради. Мазкур комиссия иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади(262-модда).

Меҳнат низосини ҳал қилишини сўраб мурожаат этиш муддатлари:

- ишга тиклаш низолари бўйича-ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

- ходим томонидан иш берувчига йетказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар нетказилганлиги ушун иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

- бошқа меҳнат низолари бўйича ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Меҳнат низолари бўйича комиссия ариза берилганидан кейин ўн кун мобайнида меҳнат низосини кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши керак. Меҳнат низолари комиссиясининг қарори бу қарор устидан шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат ўтгандан кейин уч кун ишида иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Ишга тикланиш бўйича даъво аризасига биноан ходим қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- бевосита ўзининг ишга тикланиши;
- мажбурий прогул учун ҳақ тўлашни;
- мазкур маънавий зарарни қоплашни.

Ишга тиклаш бўйича суд қарорини бажариш иш берувчи томонидан кечиктирилганда суд ходимга ўртача иш ҳақи тўлаш ҳақида ажрим чиқариб беради.

Ходимнинг соғлигига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Меҳнат низолари комиссияси ўз мажлисида гувоҳларни чақиртириш, мутахассисларни, корхонада фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш вакилларини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

7-МАВЗУ: ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А :

1. Оила ҳуқуқи предмети, оила ҳуқуқи манбалари.
2. Никоҳ тушунчаси. Никоҳ тузиш шартлари.
3. Оилавий мулк тушунчаси. Шахсий мулк предметлари. Моддий таъминот мажбурияти.
4. Алимент ундириш. Ота-она учун алимент ундириш.
5. Ота-она ва болаларнинг ҳуқуқлари.
6. Фарзандликка олиш тушунчаси. Фарзандликка олинган болалар ҳуқуқлари.
7. Васийлик ва ҳомийлик белгилаш.

Оила ҳуқуқи – бу эр-хотинлар, қариндошлар, ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва болалар ўртасидаги шахсий номулкий ва улар билан боғлиқ мулкый муносабатларни тартиб солувчи ҳуқуқ тармоғидир. Ушбу таърифдан оила ҳуқуқ ўзининг бошқалардан фарқ қилувчи хуусиятларига қарамай фуқаролик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқлигини сезиш ҳам мумкин. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат: 1) оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига хос бўлмаган юридик фактларда никоҳ, қариндошлик, оналик, оталик, фарзандликка олиш б.)дан вужудга келади; 2) оилавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, кўпроқ шахсий-ҳуқуқий моҳиятга эга; 3) оилавий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар бегоналаштирилмайдиган, яъни бошқаларга топшириб бўлмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат.

Оила ҳуқуқи предмети – оилавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлардан иборат. Оилавий ҳуқуқ нормалари никоҳдан ўтиш тартибини ва шартларини белгиланди; эр-хотинлар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкый муносабатларни тартибга солади, ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиради; фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ равишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади; никоҳнинг тугатилишининг тартиби ва шартларини белгилайди.

Шундай, қилиб, оилавий-ҳуқуқ маънодага оила деганда нафақат социологик аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай оила, балки унинг аъзолари ўртасида амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг келиб чиқишига олиб келадиган оилагина тушунилади. Оила ҳуқуқи оила доирасидан чиқадиган муносабатларни ҳам тартибга солади. Бу муносабатлар ҳам оила ҳуқуқи предмети ташкил қилади.

Оилавий ҳуқуқий муносабатлар

Оилавий ҳуқуқий муносабатлар муайян ўзига хосликка эга. Улар воқеа (ходиса)лардан, хусусан унинг ҳолати каби турларидан иборат юридик фактлардан келиб чиқади. Модомики бола туғилиши, қариндошлик ҳолати

ваш у каби воқеа (ходиса)лар инсон иродасидан ташқари ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарар экан, улар иштирокчиларининг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам асосан улар иштирокчилари иродаси бўйича эмас, балки қонун кўрсатмаси бўйича шаклланади. Масалан қонунда ота-оналарнинг ўз вояга етмаган болаларига нисбатан эга бўлиши керак бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган ва уларни томонлар иродаси бўйича ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг улар иштирокчиларининг иродаси бўйича келиб чиқади. Бу турдаги ҳуқуқий муносабатларда уларнинг субъектлари нафақат ўзларига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни кўнгилли равишда қабул қиладилар, балки, қоида тариқасида, исталган пайтда ўз хоҳишига кўра улар мазмунини ўзгартиришлари мумкин. Шу жиҳатдан олиб қаралганда эр-хотинларнинг қонунда ўрнатилган доираларда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, хусусан ўз мулкнинг у ёки бу ҳақиқий тартиботини эркин ва тенг аниқлашлари асосида никоҳ ҳуқуқий муносабатлари оддий ҳолат ҳисобланади.

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

Алоҳида ҳоллар (хомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Никоҳ тузишга:

лоақал биттаси руйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Никоҳланувчи шахсни кўриқдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у никоҳланувчи шахсга фақат кўриқдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қозғолари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган (ушбу Кодекснинг 23-моддаси) тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди, никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно.

Никоҳ шартномаси суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди.

Никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш суд тартибда, ушбу Кодекснинг 42 ва 43-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади.

Хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейини бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасининг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи

билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Ота-она (уларнинг бири) қуйидаги ҳолларда:

ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;

узрsiz сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафкатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

муттасил ичкиликбозлик ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса;

ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлигига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлигига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Ота-она ва болаларнинг улар ўртасидаги умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан белгиланади.

Вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак.

Ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

Ота-она ва ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаган болалар ўртасида қонунда белгиланган тартибда умумий мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкин.

Ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириш тўғрисида келишув тузишлари мумкин.

Ота-она ва вояга етмаган болаларнинг умумий мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво билан мурожат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Вояга етган, меҳнатга лаёҳатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун - тўртдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун - яримиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартдир.

Алимент тўлаш шарт бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда шахсан ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўланади.

Вояга етмаган болалар учун олинadиган алимент аризага мувофиқ ушбу Кодекснинг 99-моддасида белгиланган миқдорларда ушлаб қолинади.

Алиментнинг ихтиёрий равишда тўлаб турилиши алимент ундирувчини хоҳлаган вақтда алимент ундириш ҳақида ариза билан судга муурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъий назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

Алимент даъво тақдим этилган кундан бошлаб ундирилади.

8-МАВЗУ : ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А :

- 1.Экология ҳуқуқи предмети.Экология ҳуқуқи тизими
- 2.Экология ҳуқуқи манбалари.
- 3.Табиат объектларининг ҳуқуқий мақоми.
- 4.Атроф - муҳитни муҳофаза қилиш усуллари.
- 5.Экология назорати тушунчаси.
- 6.Экологик нормативлар турлари.
- 7.Экологияда юридик жавобгарлик тушунчаси.
- 8.Экологияда ҳуқуқбузарлик асослари.

Табиат деганда ер усти ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ернинг яшил қатлами ва бошқа нодир бойликлар тушунилади. Табиат инсон яшаши учун энг зарур манбалардан бири. Табиат бойликларидан айниқса, ер одамзоднинг ҳаёт манбаидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа фойдали табиий захиралар умумий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва давлат муҳофазасидадир” деб кўрсатилган.

Табиат экология билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда экологик назоратга алоҳида эътибор берилади. Экологик назорат деганда барча кохоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар томонидан табиатни муҳофаза қилиш талабларини бажарилишини кузатиш ва текшириш бўйича давлат ҳамда жамоатчилик кучлари бирлаштирилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги 111 – сон қарорига иловада “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида Низом” баён этилган. Низомга биноан қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ◆ Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши даражасини, шунингдек антропоген таъсирлар остида унда юз бераётган жараёнларни кузатишни ташкил этиш ва юритиш;

- ◆ Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш ва прогноз қилиш;

- ◆ Унда юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;

- ◆ Атроф муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларнинг давлат кадастрлари соҳасида давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

“Экология” сўзи (грекча “oikos” - уй, турар жой ҳамда “Logos” - таълимот) деган маънони билдиради. Демак, инсон Ўз яшаш жойига қандай муносабатда бўлиши, турар жой, униг атрофи тўғрисидаги тушунчани, таълимни билиши экология сўзининг тушунчаси билан

чамбарчас боғлиқ. Экология табият, уни эозлаш, химоя қилиш, кўриқлашни билдиради.

Қонунига мувофиқ табиятни ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти табият (табиий муҳит) дир, у объектив тарзда, инсондан ташқарида мавжуддир ва унинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳақиқат, инсон яшайдиган макон, унинг ҳаётининг шарт-шароити ва воситасидир. Буларга:

- ◆ ер усти ва ер ости сувлари;
- ◆ атмосфера ҳавоси;
- ◆ нодир ва қимматбаҳо минерал конлари;
- ◆ балиқ хўжалиги;
- ◆ Ўрмонларнинг кўриқланадиган минтақалари;
- ◆ тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари;
- ◆ ботаника ва ҳайвонот боғлари;
- ◆ Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

◆ дендрарийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги бошқа ҳудудлар ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар киради.

Табият ресурслари дейилганда истеъмол манбаи бўлган ва инсон томонидан фойдаланиладиган табият унсурлари тушунилади. Инсон ҳаётида улар турли-туман: иқтисодий, маданий, соғломлаштириш, коммунал ва оқартув вазифаларини бажаради. Бунда битта унсурнинг ўзи бир неча ресурслар ролини бажариши мумкин. Масалан, ер ишлаб чиқариш воситаси ва бино-иншоот жойлаштириш учун фазовий базис ролини ўйнайди. Унда тупроқ ва озик - овқат ресурслари мавжуд. Ўрмон бир вақтнинг ўзида ёнилғи-ҳом ашё ва соғломлаштириш ресурслари бўлиб ҳисобланади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги ҳолатларда:

◆ табият - кўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликка, муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва уларни ишини йўлга қўйиш лойиҳалари талаблари бузилганда;

◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза теғралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шуғулланилганида;

◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладиган теғраларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолияти йўлга қўйилганда;

◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фалокатларнинг экологик оқибатлари ва бошқа зарали таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилмаганда;

◆ табиятни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганда;

◆ муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш талаблари бузилаганда;

◆ табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажарилмаган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва бошқа таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганда, бундай ҳудудларни истифода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талаблари бузилганда;

◆ муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуалари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойлар бузилганда, уларга шикаст етказилганда ёки улар йўқ қилинганда;

◆ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегараси ўзбошимчалик билан ўзгартирилганда, бундай ҳудудларни ўз билганича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб борганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик турлари қуйидагилардир;

Жарима солиш; **маъмурий тартиб бузиш сабаби бўлган қуроолларни олиб қўйиш; қонунга хилоф равишда маъмурий тартиб бузиш сабаби бўлган қуроолларни мусодара қилиш; маъмурий қамок ва ҳоказо.** Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 8-бобида жавобгарлик турлари аниқ кўрсатилган.

Жиноий жавобгарлик; Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-бўлимда “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар” турлари кўрсатилган ва бундай жиноятлар учун жазо чоралари белгиланган.

Айбдор ҳулқида ноўрин хатти-ҳаракат мавжуд бўлганда белгиланган тартибга кўра қўлланиладиган интизомий жавобгарлик ҳам мавжуд.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, моддий жавобгарликлар қуйидаги ҳолатларда содир бўлади:

◆ давлатнинг табиат манбаларига нисбатан эгалик ҳуқуқи бузилганда:

◆ табиий бойликлардан Ўзбошимчалик билан фойдаланилганда;

◆ давлат экология экспертизаси талаблари бажарилмаганда;

◆ табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқарганлиги ва оқизганлиги, қаттиқ чиқиндилар тўкканлиги, булар табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганда;

◆ табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режалари, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирлар бажарилмаганда;

◆ атроф-муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чоралари кўрилмаганда;

◆ табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

◆ алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботи бузилганда;

◆ атроф-муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидалари бузилганда;

◆ ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, кимёлаштириш воситалари, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талаблари бузилганда;

◆ атроф-муҳит ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганда ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Ер тўғрисидаги қонуни ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, тупроқнинг унумдорлигини тиклаш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлар асосида ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадида ер муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ерлари қайси мақсадда фойдаланишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

◆ қишлоқ хўжалик ерлари;

◆ аҳоли пунктларининг ерлари (шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари):

◆ саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ерлари ва бошқа ерлар;

◆ табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарих-маданият мақсадларига мўлжалланган ерлар;

◆ ўрмон фонди ерлари;

◆ захира ерлари.

1993 йил 7 майда “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” қонун қабул қилинган. Ушбу қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуиларни муҳофаза этишнинг умумий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг вазифаси ноёб табиий мажмуиларни, табиат ёдгорликларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан ҳамда табиий муҳитни кузатиш ва тадқиқ этиш мажмуида аҳолини экология бобида тарбиялашдан, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ҳудудлардан хўжалик мақсадида фойдаланишни чекланишдан иборатдир.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар-бу ерлар ва сув кенгликлари (акваторийлар) нинг устивор экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик қисмлардир.

Экология қонунчилигини бузганлик учун юклатиладиган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузар зиммасига жабрланган томон кўрган зарарни натура шаклида ёки пул шаклида қоплаш мажбуриятининг юклатилишидан иборатдир. Бу зарар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий талабларнинг бузилиши натижасида юзага келади.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 49-моддасига биноан атроф-муҳитга, одамлар саломатлигига ва давлатга атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оқибатида зарар етказилган юридик ва жисмоний шахслар зарарни қоплашлари шарт. Бу модда Фуқаролик кодексининг 985-моддасида назарда тутилган зарарни қоплаш тўғрисидаги умумий қоидаларни назарда тутди.

Табиий ресурсларга зиён етказилиши натижасида тиклаб бўлмас оқибатлар ёхуд зарар етказувчининг кучи билан бартараф этиб бўлмайдиган ўзгаришлар юзага келади. Шу сабабдан кўпгина ҳолларда етказилган зарарни натурада қоплашнинг иложи бўлмайди. Бундай ҳолларда зарарнинг пулдаги эквивалентини, яъни қилинган ортиқча харажатларни қоплашнинг асосий усули ҳисобланади.

9-МАВЗУ : ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А:

1. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи предмети, унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари тушунчаси.
3. Қишлоқ хўжалиги ширкатлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, бошқа тадбиркорлик субъектлари.
4. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари.
5. Шартномалар турлари.
6. Ижара шартномаси.
7. Контракция шартномалари.
8. Қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тушунчаси.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи ҳуқуқ тизимидаги мустақил ҳуқуқ соҳаларидан бири ҳисобланади. Мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида қишлоқ хўжалик ҳуқуқи маълум турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга соладиган ушбу ижтимоий муносабатлар ўзига хослиги, маълум турда бўлишлиги, умумий жиҳатлари, бир мақсадга йўналтирилганлиги билан характерланади. Қишлоқ хўжалик ижтимоий муносабатларини умумий бирлигини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қаратилганлиги билан изохлаш мумкин. Худди шу мақсад бу ижтимоий муносабатларни битта ҳуқуқ соҳаси билан тартибга солиш мумкинлигини, яъни қишлоқ хўжалик ҳуқуқи соҳасини мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида тан олишликни билдиради. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ижтимоий - иқтисодий, мулкӣ, меҳнатни ташкил этиш шароитлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг барчаси бир мақсадга, яъни аграр муносабатларни тартибга солишга қаратилганлигини эътиборга олиб қишлоқ хўжалик ҳуқуқини ҳуқуқ тизимидаги ўзига хос, алоҳида ҳуқуқ тармоғи деб ҳисоблашга барча асослар бор.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари деганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган муносабатларда қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқис субъектларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда умумийлиги уларнинг бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланишлари билан характерланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тузилмалар (субъектлар) шаклини топиш доимо мураккаб бўлиб келган. Бу муаммони асосий сабаби қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мураккаблиги билан характерланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи энг мақбул тузилмаларни ташкил этиш учун, биринчидан, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиш; иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг табиий-иклимий шароитларини инобатга олиш; учинчидан, худудда меҳнат ресурсларининг таъминланиш даражасини ҳисобга олиш; тўртинчидан,

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий восита ҳисобланган ер ресурсларининг аҳоли жон бошига етарлилик даражасини эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади. Санаб кўрсатилган омилларни тўла инобатга олмасдан туриб қишлоқ хўжалигида бугунги кун талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш тузилмаларини вужудга келтириб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари бўлиб давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини ўз тасарруфидан чиқарди, хусусийлаштирди. Давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бевосита шуғулланмайдиган бўлди, ёхуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш функциясини амалга ошириш давлатнинг вазифасига ёт ҳисобланади. Аммо, давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда экин навларини, чорва зотларини, наслларни яхшилаш, ўқув-тажриба ишларини олиб бориш мақсадида давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига эҳтиёж сезилади.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этади. Ушбу ижтимоий муносабатлар доираси жуда кенг бўлиб, турли йўналишлардаги муносабатларни қамраб олади. Биринчи турдаги муносабатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолиятлари билан боғлиқдир. Бу хилдаги муносабатлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шартнома муносабатларига киришиш, етиштирилган маҳсулотни айирбошлаш кабилардан иборат бўлади. Бу каби муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) туғрисида”ги қонуни, “Фермер хўжалиги туғрисидаги”ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар алоҳида роль уйнайди.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи фанининг тизими умумий ва махсус қисмлардан иборат. Умумий қисмларга қўйидаги масалалар киради:

1. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предмети ва тизими;
2. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг манбалари;
3. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқий муносабатлар;
4. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати;
5. Фермер хўжалиги фаолиятининг ҳолати;
6. Дехкон хўжаликларининг ҳуқуқий ҳолати.
7. Қишлоқ хўжалигини давлат йўли билан бошқариш;
8. Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш;

Махсус қисмга қўйидагилар киради:

9. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларининг бошқарувининг ташкилий ҳуқуқий шакллари;
10. Қишлоқ хўжалик корхоналари мулкнинг ҳуқуқий ҳолати;
11. Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш, меҳнат интизоми ва меҳнатни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш;
12. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш;

13. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмаларининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш;
14. Қишлоқ хўжалик корхоналарида шартнома муносабатлари;
15. Қишлоқ хўжалиги қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик;
16. Қишлоқ хўжалигида юридик хизматнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг асосий тамойиллари сифатида кўйидагиларни кўрсатиш мумкин: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бозор иқтисоди талабларига мувофиқлигини таъминлаш тамойили; мамлакатимиз халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг устиворлик тамойили; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли хил мулкчилик ва турли хил хўжалик юритиш шаклини жорий этишни таъминлаш тамойили; қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги мустақиллигини таъминлаш тамойили; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши натижаларидан манфаатдорликни таъминлаш тамойили; давлат раҳбарлиги тамойили; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини кенг жорий қилиш тамойили; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан давлат мулкчилигини сақлаб қолиш тамойили; қишлоқ хўжалигида ер ва сувдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш тамойили; суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг устиворлиги тамойили; қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқаришда демократия ва қонунчиликни таъминлаш тамойили.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи- ҳуқуқ тизимининг мажмуалашган (комплекс) ҳуқуқ соҳаси сифатида ўз манбалари асосида ривожланади ва аграр ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Шунинг учун ҳам аграр ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда манбаларнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси, ҳуқуқ тизимидаги тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали аграр сиёсатдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва мазмун моҳиятини очиқ бериш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи манбалари тушунчаси ҳақида фикр юритишдан олдин "манбалар"нинг ҳуқуқшунослик фанидаги аҳамияти, мазмуни ва белгилари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир. Давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ манбалари ҳақида турли шаклларда назарий таърифлар берилган бўлиб, лекин ушбу назарий таърифларнинг моҳияти кўйидаги асосий белгилар асосида намоён бўлади:

- 1) манбаларнинг жамият ҳаётининг турли жабҳаларида маълум ижтимоий муносабатларни тартибга солиши;
- 2) манбаларнинг ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилиниши ва тасдиқланиши;
- 3) манбаларнинг умуммажбурий аҳамият касб этиши ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Аммо қишлоқ хўжалиги корхоналари меҳнатни ташкил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақтини белгилашда ишлаб

чиқариш жараёнини ташкил этишда ўзига хос хусусиятларга эгадирлар. Ушбу хусусиятлар қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳуқуқий ҳолатини белгилашда ўз таъсирини кўрсатади..

Қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкдан фойдаланиш ва ташкилий ҳуқуқий шаклига қараб қўйидаги турларга бўлинади:

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги);

фермер хўжаликлари;

қишлоқ хўжалигидаги акциядорлик жамиятлари;

давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари;

деҳқон хўжаликлари;

қишлоқ хўжалигида хусусий корхоналари;

қишлоқ хўжалигидаги бошқа корхоналари.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши мумкин. Акциядорлик жамияти деб устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектлари таркибида қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) билан бир қаторда фермер хўжаликлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун билан унинг ҳуқуқий ҳолатида бир қатор ўзгаришлар руй берди. Ушбу қонуннинг 1- моддасига асосан фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалигининг аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги ҳуқуқий ҳолатининг моҳияти уни қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)дан фарқли хусусиятларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий муносабатлар моҳияти ва мазмуни жиҳатидан олдинги, яъни шуро давридаги шартномавий муносабатлардан тубдан фарқ қилади. Ўтмишдаги шартномавий муносабатларда улар тарафларининг эрк - иродаси, хохишлари тўлиқ ифода этилмасди. Чунки шартномаларнинг мазмуни, уларни тузувчиларнинг эрки билан эмас, юқоридан тушурилган ва мажбурий бўлган план ва топшириқларга асосан белгиланарди. Давлат мулкининг яқка ҳукмронлик ролига барҳам берилиши, жамиятда хусусий мулкчиликка руҳсат берилиши, жамиятда турли шаклдаги мулкнинг баб-баравар ҳаракатда бўлишига кенг

имкониятлар яратилиши туфайли фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати доираси кенгайди, улар олдинги шартномалар тузишда чекланишлардан озод бўлди, энди улар фақат ўзларининг шахсий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида шартномалар тузиб, қишлоқ хўжалигининг сохаларида, жамоа тузилмаларида тадбиркорлик фаолиятларни амалга оширишга юридик шахслар билан биргаликда умумий мулк ҳуқуқига эга бўлишга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўз меҳнати эмас, балки ёнланма меҳнатни жалб қилиш, фойдаланиш ва унинг учун ишлаб чиқаришда керакли бўлган қурол - аслахаларга эга бўлиш каби ҳуқуқларга эришди.

Қишлоқ хўжалигига алоқалар шартномаларнинг турларини билиш, уларнинг ҳар бирини моҳиятини, мазмунини ва қайси мақсадда қўлланишини билиш улардан фаол фойдаланиш ва уларни беками-кўст бажарилишини таъминлаш ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиш ва жамоа хўжалигини иқтисодий шароитини мустаҳкамлаш учун албатта ижобий роль уйнайди.

Иқтисодий ва хўжалик муносабатлар турли шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади. Шартномалар эса, ўз навбатида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятлари, аҳамияти ва вазифалари ҳисобга олинган ҳолда таснифланади. Бунинг натижасида шартномалар муайян иқтисодий муносабатларнинг ҳаракатга келтирувчи юридик шакли сифатида тегишли гуруҳларга бўлинади ва маълум тизимни ташкил қилади, чунончи:

а) Мол-мулкка нисбатан эгаллик қилиш ҳуқуқини ўтказиш бўйича вужудга келган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар.

б) мол-мулкка нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини топшириш бўйича вужудга келган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар:

в) муайян ишни бажариш бўйича вужудга келадиган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар:

г) хизмат кўрсатиш бўйича вужудга келадиган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар.

Контрактация шартномаси Республикаимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлари билан бу маҳсулотларни харид қилувчилар, истеъмолчилар ўртасида тузилади. Шунга кўра контрактация шартномаси таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 465-моддасида ифода этилади. Контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга-тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш) унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Қурилиш пудрати шартномаси энг муҳим фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан бири бўлиб, у қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси қурилиш пудрати шартнома муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи асосий норматив ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишида танлов савдолари (тендер) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги Низом, "Қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисида"ги Низом, "Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни ташкил этиш тўғрисида"ги Низом, "Бозор муносабатлари шароитларида қурилишда шартномавий нархларни белгилаш тартиби" қабила муҳим аҳамиятга эгадир.

10-МАВЗУ : ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А :

- 1.Жиноят ҳуқуқи предмети.
- 2.Жиноят ҳуқуқининг вазифалари.
- 3.Жиноят ҳуқуқи принциплари.
- 4.Жиноят тушунчаси.
- 5.Жиноятнинг таркибий қисмлари: объекти, объектив томон, субъекти, субъектив томон.
- 6.Жазо тушунчаси. Жазо турлари.
- 7.Жиноятда иштирокчилик тушунчаси.
- 8.Вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари. Жазо белгилаш ёши.

Республикамиз олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири кейинги вақтда ўсиб бораётган жиноятчиликка қарши кураш олиб боришдир. Бу вазифани ҳал этиш давлат ва фуқаролар томонидан доимо куч ғайрат сарфлашни, ижтимоий-иқтисодий, тарбиявий ва ҳуқуқий тадбирларни оғишмай амалга оширишни тақозо этади. Бу борадаги ишда қайси қилмишлар жиноят ҳисобланади-ю, мазкур жиноятни содир этган шахсларга қандай жазо бнрилиши лозимлигини белгилаб берадиган ҳуқуқий меъёрлар катта аҳамиятга эга.

Жиноят ҳуқуқи - ҳуқуқ фанлари тизимининг бир соҳаси бўлиб, жиноятда жиноятнинг олдини олиш, инсонлар хавфсизлигини жинойий тажовузлардан кўриқлаш, фуқароларни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш, Республикамизда учраётган жиноят турларини ва уларга қўлланиладиган жазо чораларини белгилаш каби муҳим масалаларни ўргатади.

Жиноят ҳуқуқи:

- ◆ қонунийлик;
- ◆ фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;
- ◆ демократизм;
- ◆ инсонпарварлик;
- ◆ одиллик;
- ◆ айб учун жавобгарлик;
- ◆ жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

Қонунийлик принципи. Содир этилган қилмишнинг жинойийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмайд туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилгани ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи - жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

Демократизм принципи. Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки жамоалари жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

Инсонпарварлик принципи. Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр -қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Одиллик принципи. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Айб учун жавобгарлик принципи. Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавfli қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи. Қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Ўзбекистон Республика жиноят кодексининг 14-моддасида «*Айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳарактсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят*» деб белгиланган.

Бу эса жиноят-ижтимоий хавfli қилмиш эканлигини англатади, чунки у содир этилганда (ёки содир этилиши мумкин бўлганда) ижтимоий муносабатларга жиддий путур етказилади. Лекин ижтимоий хавfliлик турлича бўлиши мумкин. Майда безорлик бир жамоат хавфсизлигини, ўғирликлар, танга шикаст етказишлар, одам ўлдириш - бошқа жамоат хавфсизлигини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам Жиноят кодексга кўра жиноий қонун тақиқлаган ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсларгина жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Жиноятлар ижтимоий хавfliлик даражасига кўра ижтимоий хавfli катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир турларга бўлинади.

Хавfli катта бўлмаган жиноятларга қастдан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарздаги жазо назарда тутадиган жиноятлар киради, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарздаги жазо назарда тутадиган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарздаги жазо назарда тутадиган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда қиради беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарздаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Оғир жиноятларга беш йилдан ўн йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган қасддан қилинган жиноятлар, ўта оғир жиноятларга ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки ўлим жазоси кўзда тутилган қасддан содир қилинган жиноятлар қиради.

Жиноятлар ижтимоий хавфлилиги даражасига кўра тавсифланишидан ташқари такрор, гуруҳ томонидан содир этилган ва рецидив жиноятларга бўлинади.

Жиноий жавобгарлик дейилганда жиноят қонунида муайян қилмишнинг жиноят сифатида ифодаланган баҳоланишини ва айбдорнинг уни содир қилганлик учун жамият олдида жавоб беришини тушунмоқ керак.

Жиноят таркиби - бу қонун томонидан аниқланган аломатлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мавжудлиги жиноят сифатини тавсифлайди. Жиноят таркибининг аломатлар йиғиндиси узлуксиз бутундир. Аломатлардан ақалли биттасининг бўлмаслиги жиноятнинг ҳам йўқлигини билдиради.

Содир қилинган ижтимоий хавфли қилмиш аломатларининг муайян жиноят белгиларига мувофиқ келишини аниқлаш жиноятни тавсифлаш деб аталади, у Жиноят Кодексининг ушбу жиноят учун жавобгарлик кўзда тутган моддасида ифодаланади. Жиноятни тўғри тавсифлаш қонунийликни таъминлашнинг, жиноий жавобгарликка асосли тарзда тортишининг муҳим шартидир.

Жиноий жавобгарликка фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс тортилади. Қилмишнинг жиноят деб топилиши учун унда жиноят таркиби борлиги аниқланади. Жиноят таркибига жиноят объекти, объектив томон, субъекти, субъектив томонлари қиради.

Жиноятнинг таркибини ҳосил қилувчи аломатлар зарурий ва факультатив белгиларга бўлинади. Зарурий белгилар жиноятнинг ҳар қандай таркиби учун зарур, факультатив белгилар эса айрим таркиблар: ўрин, усул, вазият, вақт, сабаб, мақсад, махсус субъект, ва ҳоказоларни тавсифлашда қонунлар томонидан кўзда тутилади. Бунда факультатив белгилар жиноят муайян таркибига мувофиқ тарзда бу таркиб учун зарурий белги тусини касб этади.

Жиноят объекти - бу жиноят қонуни билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлардир. Улар, юқорида айтиб ўтилганидек, шахс фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк ва ҳоказо.

Жиноятнинг субъекти деб, жисмоний ақлирасо, жиноий қонунда белгиланган муайян ёшга етган шахсга айтилади. Жиноят Субъектнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) айбли, қасддан ёки эҳтиётсизлик асосида; мативи -

шу қилмишни содир этишга нима мажбур қилганлиги; мақсади - бу қилмиш натижасида нимага эришди, эришмоқчи эканлигини билдиради.

Бизнинг қонунларимиз бўйича жисмоний шахсина жиноят субъекти деб тан олинади. Бироқ жиноий жавобгарлик шахс 16 ёшга тўлгандан кейингина бошланади. Бу умумий қоидадан истисно ҳам бор. Қасддан одам ўлдирганлик учун, масалан, жиноий жавобгарлик 13 ёшдан бошланади. Зарурий мудофа чегарасидан чиқиб, ёки кучли руҳий ҳаяжон ҳолатида содир қилинган қотиллик; соғлиққа қасддан путур етказган оғир ёки сал оғир тан жароҳати; зўрлаш, одам ўғирлаш, талончилик, босқинчилик, ўғрилиқлар ҳамда ўттиздан ортиқ бошқа оғир ва ўта оғир жиноятлар учун 14 ёшга тўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Содир қилингани учун жавобгарлиги 18 ёшдан бошланадиган жиноятлар бор (масалан, ота-оналар ва болаларни боқишдан бош тортиш, балоғатга етмаганларни антиижтимоий фаолиятга жалб этиш-жами 25 та жиноят).

Ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш пайтида руҳий касаллик ҳолатида бўлган, яъни сурункали психик дард, психиканинг вақтинча бузилиши, ақл ожизлиги ёки оғир психик бузилиш туфайли ҳаракатлари тўғрисида ўзига ҳисоб беролмаган ёки бу ҳаракатларни бошқаролмаган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Жиноятнинг объекти томони-бу қонун томонидан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга жиддий путур етказган ёки етказа оладиган муайян ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи кўриниши, шунингдек бу путур етказишнинг жойи, вақти, вазияти ҳамда усулидир.

Субъектив томон-бу айбнинг мавжудлиги бўлиб, бунда шахснинг содир қилган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг оқибатларига руҳий муносабати тушунилади.

Турмушда кўпгина шундай ҳодисалар учраб турадики, шахснинг ҳаракатлари расман айрим жиноят белгиларига тўғри келади, бироқ қонунда назарда тутилган бир қанча ҳолатларга кўра бундай деб топилмайди. Маълумки фақат ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилиш жиноят деб аталади. Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 35-моддасига биноан қуйидаги ҳолатлар:

- ◆ яъни кам аҳамиятли қилмишлар;
- ◆ зарурий мудофаа;
- ◆ охирга зарурат;
- ◆ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш;
- ◆ буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилди.

Кам аҳамиятли қилмиш: қилинган қилмиш жиноят сифатида қонунда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлиги

туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб топилмайди.

Зарурий мудофаа. Жиноят алоҳида кўрсатилган қилмиш зарурий мудофа ҳолатида содир этилса, яъни мудофааланувчининг ёки бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатлари жамият учун хавфли ҳаракатлардан тажовуз қилувчига зарар келтириш йўли билан ҳимоя қилинса, агар шу билан бирга зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди, бунда мудофаанинг тажовуз характери ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмаслиги тушунилади.

Зарурий мудофаа-бу жиноий тажовузга фаол қарши туришдир. Уни ҳар бир фуқаро амалга ошира олади. Бу унинг ҳаққидир. Бунда у ўзида жиноятчидан қочиб ёки ёрдам беришни сўраб бошқа шахсларга ёинки ҳокимият идораларига мурожаат қилиш имкони бўлганида ҳам ҳаққидир. Муайян тоифадаги шахслар учун зарурий мудофаа ҳуқуққина эмас, балки мажбурият ҳамдир.

Охирги зарурият. Жиноят қонунда назарда тутилган ҳаракатлар, гарчи жиноят белгиларига эга бўлса-да, охирги зарурат ҳолатида қилинса, яъни давлат манфаатларига, жамият манфаатларига, шу шахснинг ёки ҳуқуқларига кўрқинчли бўлган хавфий қайтариш учун қилинган бўлса ва шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтариш мумкин бўлмаган бўлса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят ҳисобланмайди. Охирги заруратда зарар келтириш хавфи ҳақиқатан пайдо бўлган бўлиши ёки муқаррар бошланишини, у шахснинг ҳаёлида эмас, балки амалда мавжуд бўлиши керак. Шахснинг хавфни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ўз вақтида бўлиши лозим.

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасига биноан қуйидаги асосий жазолар тизими мавжуд:

а) жарима;

б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

в) ахлоқ тузатиш ишлари;

г) хизмат бўйича чеклаш;

д) қамоқ;

е) интизомий қисмга жўнатиш;

ж) озодликдан маҳрум қилиш;

з) ўлим жазоси (ўлим жазаси 2008 йил 1 январдан бошлаб умирбод қамоқ ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади).

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарздаги кушимча жазо ҳам қўлланиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жарима айбдордан давлат даромадига пул ундиришидир. Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан юз бараваригача миқдорда белгиланади.

Агар маҳкум жазо тариқасида тўйинланган жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тазатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг йн баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланишдан маҳрум қилишни билдиради.

ЖКнинг 46-моддасига биноан ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, хомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Хизмат бўйича чеклаш фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиб, айти пайтда мазкур жазо бўйича жавобгарликка тортиладиганларнинг рўйхати ҳам чекланган.

Қамоқ - шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади.

Интизомий қисмга жўнатиш уч ойдан бир йил муддатгача ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ўрнига оддий аскар ва сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматларга қўлланиладиган жазо туридир. Бу жазо суд томонидан белгиланган муддатга муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум этиш орқали амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум қилиш энг оғир жазолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу жазо айбдорни жамиятдан ажратилган шароитда унга мажбурий таъсир чоралари кўрсатиш зарур бўлганда қўлланилади.

Ўлим жазоси фавқулотда жазо чораси бўлиб, отиб ўлдириш тариқасида амалга оширилади.

Ўлим жазоси аёлга, олмиш ешдан ошган эркакка ва ўн саккиз тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланмайди. Ўлим жазоси авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин.

Ўлим жазоси Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан жиноий жазо тизимидан олиб ташланади. Жазони узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбот жазо билан қўллаш назарда тутилади.

Қўшимча жазо сифатида ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси айбдорнинг оғир ёки ўта оғир жинояти учун маҳрум этилишда қўлланилади.

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасига биноан қуйидаги асосий жазолар тизими мавжуд:

а) жарима;

б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

в) ахлоқ тузатиш ишлари;

г) хизмат бўйича чеклаш;

д) қамоқ;

е) интизомий қисмга жўнатиш;

ж) озодликдан маҳрум қилиш;

з) ўлим жазоси (ўлим жазаси 2008 йил 1 январдан бошлаб умирбод қамоқ ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади).

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарздаги қўшимча жазо ҳам қўлланиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жарима айбдордан давлат даромадига пул ундиришидир. Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан юз бараваригача миқдорда белгиланади.

Агар маҳкум жазо тариқасида тўйинланган жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тазатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридagi жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг йн баравари миқдоридagi жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланишдан маҳрум қилишни билдиради.

ЖКнинг 46-моддасига биноан ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо

ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, хомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Хизмат бўйича чеклаш фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиб, айти пайтда мазкур жазо бўйича жавобгарликка тортиладиганларнинг рўйхати ҳам чекланган.

Қамоқ - шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади.

Интизомий қисмга жўнатиш уч ойдан бир йил муддатгача ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ўрнига оддий аскар ва сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматларга қўлланиладиган жазо туридир. Бу жазо суд томонидан белгиланган муддатга муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этиш орқали амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум қилиш энг оғир жазолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу жазо айбдорни жамиятдан ажратилган шароитда унга мажбурий таъсир чоралари кўрсатиш зарур бўлганда қўлланилади.

Ўлим жазоси фавқулотда жазо чораси бўлиб, отиб ўлдириш тариқасида амалга оширилади.

Ўлим жазоси аёлга, олмиш ешдан ошган эркакка ва ўн саккиз тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланмайди. Ўлим жазоси авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин.

Ўлим жазоси Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан жинойи жазо тизимидан олиб ташланади. Жазони узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбот жазо билан қўллаш назарда тутилади.

Қўшимча жазо сифатида ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси айбдорнинг оғир ёки ўта оғир жинояти учун маҳрум этилишда қўлланилади

11-МАВЗУ: ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Р Е Ж А :

- 1.Халқаро ҳуқуқнинг тушунчаси.
- 2.Халқаро ҳуқуқ манбалари.
- 3.Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тушунчаси.
- 4.халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш.
- 5.Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси.
6. Репрессалия. Реторсия.
- 7.Моддий жавобгарлик.
- 8.Реституция ва репарация.

Халқаро ҳуқуқ – давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқдан фарқ қилиб, бир қатор ўзига ҳос хусусиятларига эга. Халқаро ҳуқуқда миллий ҳуқуқий тизимдан фарқли улароқ олий орган мавжуд эмас ва тегишли масалалар халқаро муносабатлар иштирокчиларининг розилиги билан тартибга солинади.

Халқаро ҳуқуқ – давлатлараро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган, халқаро муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан яратилган юридик нормалар ва принциплар тизимидан иборатдир.

Халқаро муносабатлар – бу халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа турдаги алоқалар ва муносабатлар мажмуидир.

Халқаро ҳуқуқ тармоғи сифатида қуйидаги муносабатларни тартибга солади:

биринчидан, давлатлар ўртасидаги – икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни;

иккинчидан, давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши билан боғлиқ давлатлар ҳамда ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

учинчидан, ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

тўртинчидан, давлатлар ҳамда давлатга ўхшаш тўзилмалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Халқаро ҳуқуқнинг субъектлари: давлатлар; ўз мустақиллиги ва озодлиги учун кўраш олиб бораётган миллатлар ва элатлар давлатга ўхшаш тўзилмалар тўзилмалар (Ватикан, Мальта ордени); халқаро ҳукуматлараро ташкилотлардир;

Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўзаро келишиб, мустақил равишда халқаро ҳуқуқ нормаларини яратадилар.

Халқаро ҳуқуқда халқаро ҳуқуқий нормаларнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик мавжуд бўлиб, турли сиёсий ва моддий чоралар қўлланилади.

Халқаро ҳуқуқнинг қуйидаги функциялари мавжуд:

1. **Мувофиқлаштирувчи функция.** Халқаро ҳуқуқ нормалари орқали давлатлар муайян соҳаларда ўзаро маъқул келадиган стандартларни ўрнатади.

2. **Таъминловчи функция.** Халқаро ҳуқуқда шундай нормалар мавжудки, уларга кўра давлатлар муайян тартиб-қоида бўйича муносабатларни амалга ошириши керак.

3. **Тартибга солувчи функция.** Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўзлари учун қатъий нормаларни ўрнатишади ва уларга риоя этишади. Бусиз халқаро ҳуқуқ субъектларининг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатларини ва биргаликда мавжудлигини тасаввур қилиш қийин.

4. **Муҳофаза қилувчи функция.** Халқаро ҳуқуқда субъектлар манфаатларини ҳимоя қилувчи механизм мавжуд.

Халқаро ҳуқуқ манбалари – бу халқаро ҳуқуқий муносабат субъектларининг хатти-ҳаракат қоидаларини ифодаловчи ва уларга халқаро ҳуқуқ тусини берувчи шаклдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, халқаро ҳуқуқ манбаларини қуйдагича таснифлаш мумкин:

1. Асосий манбалар:

- халқаро шартнома;
- халқаро одат;
- айрим халқаро ташкилотларнинг қарорлари.

2. Ёрдамчи манбалар:

- ҳуқуқнинг умумий принциплари;
- халқаро ташкилотларнинг резолюциялари;
- халқаро суд ва арбитражларнинг қарорлари.

Халқаро шартнома – давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида улар учун умумий аҳамиятга эга бўлган ҳамда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилиш йўли билан улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга даъват этилган очиқ ифодаланган битимдир.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари – халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан субъектив ҳуқуқ ва субъектив мажбуриятларга эга бўлган халқаро ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларидир.

Халқаро ҳуқуқ субъекти – халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрларига ёки халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабига мувофиқ пайдо бўладиган халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгасидир. Шунингдек, бу хатти-ҳаракатлар бевосита халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва халқаро ҳуқуқий муносабатларга киришадиган ёки киришиши мумкин бўлган шахслардир.

Ҳуқуқий ворислик – ҳуқуқда белгиланган тартиб ва қоидаларга мувофиқ, бир субъектга тегишли ҳуқуқларнинг бошқа субъектга ўтишидир.

Демак, ҳуқуқий ворислик ҳуқуқда назарда тутилган юридик аҳамиятга эга бўлган юридик ҳодиса, яъни юридик фактдан келиб чиқадиган юридик оқибатларни ифодаладиган тушунчалардир, деган хулоса келиб чиқади. Бунда бир субъектга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа субъектга

Ўтиши билан боғлиқ таркибий ўзгаришлар ҳақида гап кетяпти. Бундай ҳол ҳуқуқ субъекти ўз фаолиятини тугатиши ва Янги субъектнинг вужудга келиши муносабати билан; бошқа субъект билан бирлашиши; икки ёки ундан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектларига ажралиши натижасида содир бўлади.

Халқаро ҳуқуққа биноан ҳуқуқий ворислик деганда, халқаро ҳуқуқда белгиланган ҳолатларда халқаро ҳуқуқ субъектига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа субъект ёки субъектларга ўтишини тушуниш лозим.

Халқаро ҳуқуқда унинг умум эътироф этилган принцип ва меъёрларини баён қилиб берувчи ягона меъерий ҳужжат мавжуд эмас. Агар БМТ Уставида беш принципнинг номи келтирилган бўлса, халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда уларнинг еттаси ифодалаб берилган. Улар қуйидагилардир:

- 1) куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- 2) давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 3) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 4) давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги;
- 5) халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш;
- 6) давлатларнинг халқаро мажбуриятларини виждонан бажариш принципи;
- 7) давлатларнинг суверен тенглиги.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки Яқунловчи Ҳужжатида мазкур принципларга яна учтасини қўшган. Булар:

- 1) чегара дахлсизлиги;
- 2) давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;
- 3) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишдир.

Халқаро ҳуқуқда аҳоли тушунчаси остида маълум бир давлат ҳудудида ҳозирда яшаб келаётган жисмоний шахслар мажмуи тушунилади.

Шундай экан давлат ҳудудида яшаб келаётган шахслар ушбу мамлакатнинг тўлиқ ва мутлақ юрисдикцияси остида бўладилар. Бу меъёрлар давлатнинг миллий ҳуқуқида белгиланган бўлиб, аҳолининг тегишли ҳуқуқли статусини ифодалайди.

Ҳар қандай давлатнинг аҳолиси тушунчасига қуйидагилар киради:

- а) фуқаролар / мазкур давлатга тегишли кишилар;
- б) чет элликлар;
 - фуқаролар / хорижий давлатларга тегишли кишилар;
 - фуқароликка эга бўлган шахслар;
 - фуқароликка ега бўлмаган шахслар (апатридлар);
 - икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган шахслар (бипатридлар).

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик – бу халқаро ҳуқуқ нормаларини ва халқаро мажбуриятларини бузган халқаро ҳуқуқ субъекти учун келиб чиқадиган юридик оқибатидир. Айни пайтда, мазкур нормалар ва келтирилган зарарни коплашни таъминлашнинг юридик воситаларидан биридир. Бундан ташқари халқаро ҳуқуқий жавобгарлик ўзида бирор-бир давлат ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти томонидан содир этилган

ҳуқуқбузарлик ёки бир давлатнинг ҳуқуқ фаолияти натижасида бошқа давлатга етказилган зарар билан боғлиқ ҳозирги замон халқаро ҳуқуқда келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар мажмуини ифода этади.

Ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган оқибат ва жавобгарлик шакллари ҳар хил бўлиши мумкин. Улар ҳуқуқбузарликнинг табиати ва хавфлилик даражасига боғлиқ бўлиб, куйидагиларни уз ичига олиши мумкин:

а) агрессия, геноцид, иркий камситиш, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустакиллик беришдан бош тортиш, уруш конунлари ва одатларини бузганлик учун жавобгарлик;

б) ҳуқуқбузар давлатнинг халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларига, алоҳида ҳолатларда уларнинг юридик ва жисмоний шахсларга етказган зарарини коплаш жавобгарлиги;

в) халқаро ҳуқуққа асосан ҳуқуқбузар давлатга нисбатан унинг ҳуқуқбузарлигига жавобан БМТ кушинларини ишга солишгача булган мажбурлов чораларини куллаш ва бошқалар.

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик хусусиятлари:

- ҳуқуқбузар давлатга нисбатан халқаро – ҳуқуқий норма санкцияларини куллашдан иборат;

- халқаро ҳуқуқбузарликни содир этишдан келиб чиқади;

- халқаро ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қаратилган;

- ҳуқуқбузар учун маълум бир салбий оқибатлар келтириб чиқаради;

- ҳуқуқбузар давлат ва жабр курган давлат ўртасида, муайян ҳолларда – шунингдек, ҳуқуқбузар давлат ва давлатларнинг бутун бир халқаро ҳамжамияти ўртасида келиб чиқадиган халқаро ҳуқуқни муҳофаза этувчи ҳуқуқий муносабатларда амалга оширилади.

Халқаро ҳуқуқбузарлик - бу халқаро ҳуқуқ субъектининг халқаро ҳуқуқ нормалари ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бузувчи ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти ёки субъектлари гуруҳига ёхуд бутун халқаро ҳамжамиятга моддий ва номоддий зарар етказувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидир.

Халқаро ҳуқуқбузарлик мураккаб ҳуқуқий ходиса ҳисобланганлиги бўлиши билан бирга куйидаги характерловчи асосий хусусиятлани ифодалайди: халқаро умумий (ижтимоий) хавф, ҳуқуққахилофлик, сабабий боғланиш, жазонинг муқаррарлиги.

Халқаро ҳуқуқбузарликларда ҳам, ички-давлат ҳуқуқбузарликларидаги каби, субъекти жавобгарликка тортиш учу насос булувчи ва халқаро ҳуқуқбузарлик таркибини ҳосил килувчи объектив ва субъектив томон мажмуини ажратиш курсатиш мумкин. Бундай олиб қараганда, халқаро ҳуқуқбузарликлар таркибий қисми элементлари ички-давлат ҳуқуқидаги каби ухшашдир, бироқ барча ҳолларда ҳам мос келавермайдилар.

Халқаро ҳуқуқбузарликнинг объекти бўлиб – халқаро ҳуқуқбузарлик (нимага) тажовуз қилаётган объект (халқаро муносабатлар, халқаро тартиб қоидалар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ва бошқалар.)

Халқаро ҳуқуқбузарликнинг объектив томони халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни бузувчи ва ўзи билан халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни

келтириб чиқарувчи халқаро муносабатлар субъектининг қилмиш и (харакат ёки харакатсизлиги) билан ифодаланади.

Халқаро ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиб уларнинг турига қараб давлатлар, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари, шунингдек, ташкилотлар, корхоналар ва халқаро жинойтлар содир этган индивидлар катнашишлари мумкин.

Халқаро ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони сифатида ҳуқуқбузарнинг содир этган қилмишга ва унинг оқибатига нисбатан булган муносабатини тушунишимиз мумкин. Бу муносабатлар касд ва эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади. Конвенцияларда «олдиндан бида туриб» атамаси ҳам ишлатилиб туради.

Адабиётлар:

Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-5.–Т.: Ўзбекистон, 1997
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1998
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т-9.–Т.: Ўзбекистон, 2001
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т-10.–Т.: “Ўзбекистон”, 2002
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т-11.–Т.: “Ўзбекистон”, 2003
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т-12.–Т.: “Ўзбекистон”, 2004
13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т-13.–Т.: «Ўзбекистон», 2005
15. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т-15. –Т.: Ўзбекистон, 2007
17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т-16. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият энгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009
20. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Тошкент. Ўзбекистон. 2009
21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010.
22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир (2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза).
23. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009
24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010

25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади. (2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2011 йил 22 январь. Халқ сўзи. 16-сон.

26. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», 2011

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т. Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., “Адолат”, 1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқоралик кодекси. Т. «Ўзбекистон» 2011.
4. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тугрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., “Адолат”, 1996 йил. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: Адолат. 1998. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5-6, илова.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т. «Ўзбекистон» 2011.

Асосий адабиётлар:

1. Х.Бобоев., Ҳ.Одилқориевлар таҳрири остида. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.. -Т., 2000.
2. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2002.
3. Одилқориев Ҳ.Т. Қонун, виждон эркинлиги ва дин. – Т., 1998.
4. Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. –Т., 2001.
5. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Ҳ. Давлат ва ҳуқуқ асослари. -Т., 2002.
6. Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. –Т., 2001.
7. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари. 1-қ. Т., 2001.
8. Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 том. -Т., 1998.
9. Исламов З.М. Общ ество. Государство. Право. -Т. 1999. 2 том.
10. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Т., “Адолат”, 1995
11. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Т., “Адолат”, 1999
12. М.Ю.Гасанов, Е.А.Соколов. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлар (саволлар ва жавоблар). Т. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёти уйи 1999 й.
13. М.Ю.Гасанов, Е.А.Соколов. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлар 2-китоб. Т. «Ўқитувчи» 2001 й.
14. Б.И.Ибратов “Тадбиркорлик ҳуқуқи”. “Молия” 2001 й.
15. Раҳмонкулов Х.Р. «Хўжалик корхоналарининг мулкӣ муносабатларида ҳуқуқӣ муносабатларни тартибга солиш». Т. “Фан” 1996 й.
- 16.Раҳмонкулов Х.Р. “Агросаноат комплексида шартномавий муносабатлар” 1989 .
17. Раҳманкулов Х.Р. “Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги” Т.Адолат 2000й.
18. А.Маматкулов. Халқаро ҳуқуқ. Т., Адолат, 1997
- Х.Т.Одилқориев, Б.Э.Очилов – Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи Т.: 2002.
20. А.Х.Саидов. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. 2001
21. Э. Хайитбоев., Ж. Ёқубов. Ҳуқуқшунослик. Дарслик. Т. 2006.

Интернет сайтлари:

<http://www.norma.uz>

<http://www.gov.uz>

<http://www.lex.uz>